

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК  
МАРКАЗИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
(МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАРДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил  
27 мартағи 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида  
тайёрланди.**

**Тузувчи:** ф.ф.д. Алимардонов Т

**Такризчи:** ф.ф.д. проф. Р.С.Самаров

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУ Илмий кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1- сонли қарори билан  
нашрға тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....	19
IV. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	94
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	106
VI. ГЛОССАРИЙ.....	108
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	114

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, мустақил ислоҳоти ва ривожланиши, уларни таҳлил қилиш, бошқариш истиқболларини ўргатишдан иборатdir.

Тингловчилар ушбу фанни ўзлаштириш борасида ижтимоий-гуманитар соҳаларида қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларни ўрганиш, ривожланиши, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари нафақат педагогик жараённи бошқарувини амалга оширишда, балки уни режалаштириш, такомиллаштиришда ҳар бир профессор-ўқитувчи томонидан қўлланилиши талаб этилади.

**Модулнинг вазифалари:** “Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” фанини ўқитишининг вазифаси, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига ҳозирги замон ютуқларига асосланган ҳолда хуқуқининг аҳамияти, бошқариш соҳасида қабул қилинган қонунларни чукур таҳлил этиб уларни амалиётга татбиқ эта олиш асосларидан билим беришдан иборатdir. Ҳозирги кунда бу соҳани жадал

суръатларда ривожланиши натижасида, замон талабига жавоб бер аладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилариға ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган қонун ҳужжатларидан фойдаланиш йўлларини очиб бериш, замонавий илмий педагогик кадрлар тайёрлашга ёрдам беради ва бу фанни унга турдош бўлган фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш замон талабига мувофиқлиги билан ажралиб туради.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциялариға қўйиладиган талаблар**

Курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- турли педагогик вазиятларда таълим-тарбия манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда мақбул қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилни амалга ошириш учун, тадқиқот стратегисини тўғри шакллантириш, методлардан мақсадли фойдаланиш принциплари ҳамда эамланган ахборотни яхлит тарзда келтириб аниқ методология асосида таҳлилини амалга ошириш ҳақида **билимларга эга бўлиши мақсадга мувофик;**

#### **Тингловчи:**

- педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, фаолиятни моделлаштириш ва прогнозини амалга ошириган ҳолда қарор қабул қилиш каби **амалий кўникма ва малакаларни эгаллаши мақсадга мувофик;**

#### **Тингловчи:**

- олий таълим тизими учун ахборотларни тизимли таҳлилини амалга ошириб, манба (маъруза матни, маълумотнома, тезис, мақола ва б.) тайёрлаш, ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида педагогик жараённи таҳлил қилиб, натижавий маълумотларга таяниб, миллий таълим-тарбия олдига қўйиладиган талаблардан хабардор бўлиб, уни амалиётда қўллай билиш компетенциялариға эга бўлиши мақсадга мувофик;

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил”** курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар

билин ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг қонун хужжатларини таҳлил қилиб қўллаш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълимтарбия жараёнини тизимли таҳлилини амалга ошириб, миллий таълим-тарбия манфаатини ҳимоя қилиш учун мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Шунингдек, модул доирасида ўзлаштирилган билимлар аниқ фан соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борища методологик асос бўлиб хизмат қилади.

### **Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил**

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			жумладан		Назарий	Амалий машгулот	Кўчма маўгулот		
1.	Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил	2	2	2					
2	Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи.	2	2	2					
3	Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили.	2	2			2			
4	Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш	4	2			2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>			<b>2</b>	

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил**

Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишнинг афзалликлари. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган услублар. Тизимли қонуниятлар ва ўзини-ўзи такомиллаштириш. Тизимда иерархиявий алоқадорлик. Тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологиялари.

### **2-мавзу: Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи**

Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи. Тизимли таҳлилда фанлараро алоқадорлик ва ғояларининг узлуксиз синтези. Ижтимоий-маданий концепциялар ва тадқиқотлар йўналишлари.

### **3-мавзу: Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили.**

Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили. Тизимли таҳлилда инобатга олиниши шарт бўлган омиллар: объектив омиллар, иқтисодий-сиёсий омиллар, вазиятли омиллар, геосиёсий омиллар, демографик ва бошқа омиллар. Ривожланишнинг асосий йўналишлари: революцион, эволюцион, стагнация, регресс.

### **4-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш**

Илмий-техникавий тараққиёт. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашувлар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологияси. Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Илмий тадқиқот методологияси. – Т., 2014.
2. Мамбетова И. Модулли ўқитиш - таълим сифатини таъминлаш технологияси сифатида // Илм ha'm ja'miet 2015, 4-сон.
3. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
4. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари (монография). - Тошкент: Akademiya, 2010. - 256 б.
5. Самаров Р., Садриддинов С. Миллий тараққиёт такомиллашувининг илмий асослари (Сиёсий ташхис мисолида) // Ж. Муҳофаза +, 11 – сон, 2011 (85). 6-7 – бетлар.
6. Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) / Монография. - Тошкент 2010. - 176 б.
7. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 23-30 – бетлар.
8. Самаров Р., Муротова Д. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказиша тизимли ёндашувдан фойдаланишининг назарий жиҳатлари // Илм сарчашмалари Урганч давлат университети илмий-услубий журнали № 7, 2013.
9. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В.
10. Фозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014, 2 – сон.

11. Эсанбобоев Ф. Информационно-коммуникационные технологии как фактор интенсификации учебно-воспитательных процессов // Методика и технологии в образовании. – Воронеж, 2010. –№ 6.

12. Эсанбобоев Ф., Куронов М., Бегимкулов У. Маънавий-ахлоқий тарбияда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш // Методик қўлланма. – Тошкент, 2011.

### **Интернет ресурслар**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
5. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
9. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш асосида муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга мўлжалланган.




**Намуна: “Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил”ни SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.**

S	Тизимли таҳлилни педагогик фаолиятда қўллашнинг кучли томонлари	Тизимли таҳлилни амалга оширишда бошқа фанларнинг хусусий усулларидан фойдаланиш (ҳамкорлиги)
W	Тизимли таҳлилни педагогик фаолиятда қўллашнинг кучсиз томонлари	Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга ошириш технологияларига эҳтиёжнинг юқори эканлиги
O	Тизимли таҳлилнинг имкониятлари (ички)	Педагогик фаолиятда инновацияларни қўлланишининг самарадорлиги
T	Тўсиқлар (ташқи)	Педагогик фаолиятда инновацияларни қўлланиш жараёнида ташкилий, услубий ва ҳуқуқий муаммоларни пайдо бўлиши

## “Давра сұхбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан үз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



### “Давра сұхбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
  - барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
  - ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиши учун имконият яратилади.

## Методни амалга ошириш тартиби:



Педагог-тренер иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренингни мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниш шарт бўлган қисмлари кўрсатилган тарқатма материаллар тарқатилади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, педагог-тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурый ахборот билан тўлдирилади мавзуя якунланади.

### Намуна:

Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили					
Тизимли таҳлил		Сюжетли таҳлил		Вазиятли таҳлил	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	Алоҳида тайёргарликка эга бўлишини, кп вақт ажратишни талаб этади	Ўз вақтида мусобабат билдириш имкониятини беради	Муносабат бошқабир сюжетга нисбатан қўлланишўга яроқсиз	Вазият иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имколнини беради	Динамик хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди
<b>Хуносаси:</b> Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради.					

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади<sup>1</sup>» аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади<sup>2</sup>. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида фойдаланиш мүмкін. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш.
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш.
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш.
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш.

**Кейс.** Тасаввур қилинг! “Педагог-Талаба” кўринишида педагогик низо вужудга келди. Қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилни амалга ошириш талаб этилмоқда. Таҳлил усуулларини белгилб, юзага келган вазиятни таълимтарбия манфаатидан келиб чиққа ҳолда ёндашиш талаб этилмоқда.

#### Кейсни бажариниш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

<sup>1</sup> Case – аниқ вазият, ходиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ.

<sup>2</sup> Бу метод 1921 йилда Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланилган.

## **“ФСМУ” методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология воситасида тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холоса чиқариш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бу технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид (жумладан: “Х-педагогик вазият” юзасидан) бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига “ФСМУ” технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдим этилиб, шарҳланади.

“ФСМУ” технологияси қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилиш учун хизмат қилиши мумкин.

### **Намуна.**

**Ғоя:** “Тизимли таҳлил воситасида тайёрланган қарор педагогик фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш учун асос ҳисобланади”.

**Топшириқ:** Мазкур ғояга нисбатан муносабатингизни “ФСМУ” технологияси ёрдамида баён этинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** бу методдан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларининг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини шаклланган даражасини белгилашда қўллаш мумкин. Мазкур метод воситасида таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни илова этиш мумкин. Бу ўз навбатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларини ўқув фаолиятини самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қиласди.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб “5” балл ёки “1 - 5” баллгача баҳоланиши мумкин.

### Тест

1. Тизим тушунчасини илмий мулоқотга ким киритган?  
A. Т. Парсонс;  
B. К. Дойч;  
C. О. Конт.

### Қиёсий таҳлил

Оптнер, Квейд, Янг, SR, Голубков моделларини ўзига хос жиҳатларини ажратинг?

### Тушунчаларнинг таҳлили

Таҳлил, шарх, изоҳ каби тушунчаларни мазмундорлигини белгилаб беринг

### Амалий қўнимка

Тизимли таҳллни амалга ошириш учун мавжуд таҳлил моделларида “SR-моделини кўллаш тартибини биласизми?

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларида янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилиб, улар учун хотира машқи вазифасини ҳам бажаради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчаларининг мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларига тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда улар қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланишлари мумкин:

Белгилар:	1-матн	2-матн	3-матн
-----------	--------	--------	--------

“V” – таниш маълумот			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак			
“+”бу маълумот мен учун янгилик			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи-тренер томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади. Уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчаларнинг таҳлили” методи.

**Методнинг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг тингловчиларини мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини диагностика қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалиёга қўллаш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
  - тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
  - белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
  - ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлили” модулига тааллуқли бўлган таянч тушунчаларнинг таҳлили**

Тушунчалар:	Сизнингча бу тушунча қандай маънени англаради?	Кўшимча маълумот
Тизим	Алоҳида қисмлардан (унсурлардан) таркиб топган яхлитлик	Система тушунчасин и шарҳланг
Ахборот	Шартли белгилардан (овоз, садо ва б.) иборат мажмуа	Информаци я тушунчасин и шарҳланг
Тамойил	Амал қилинши шарт бўлган қоида	Принцип тушунчасин и шарҳланг

Меъёр	Харакатлар чегараси	Норма тушунчасин и шарҳланг
Тизимости	Алоҳида мустақил қисм сифатида амал қилиши мумкин бўлган хосса	Подсистема тушунчасин и шарҳланг
Унсур (хосса)	Яхлитлини бир бўлаги	Элемент тушунчасин и шарҳланг
Тизимий алоқадорлик	Ҳаракат қилиш натижасида юзага еладиган жараён	Тизимларар о алоқа тушунчасин и шарҳланг

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага доир тингловчилар томонидан муносабат билдирилади. Учунчи устунчадаги тушунчаларнинг шарҳи мустақил тайёргарлик учун вазифа тарзида топширилади. Мазкур тушунчалар ҳақида кўшимча маълумотлар глоссарийда келтирилган.

### “Блиц-ўйин” методи.

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда қисқа вақт давомида ахборотни жамлаш ва таҳлил қилиш, қарор вариантини тайёрлашни режалаштириш, жараённи прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни ўтилган мавзуни ўзлаштирилганини баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчилаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифани бажариш учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишнинг афзалликларини асослаш». Назарий билимларни амалиётга қўллаш техникаси.**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Тизимли таҳлилнинг вазифалари					
Тизимли таҳлилнинг мақсади					
Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари					
Янг, Голубков, SR каби моделлари					
Ахборот сифатини баҳолаш мезонлари					
Қарор ва унинг турлари					

### III. НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР

#### 1-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил

**Режса:**

*1.1. Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил тушунчаси.*

*1.2. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил.*

**Таянч иборалар:** “таҳлил”, “тизим”, тизимли таҳлил, тизимли ёндашиш, бошқарувчанлик вазифаси, тизим модели, тизимли алоқадорлик, диагностик вазифаси, огоҳлантирувчи, билиш вазифаси, педагогик фаолият.

##### **1.1. Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил тушунчаси.**

Ижтимоий ва майший ҳаётда юзага келадиган турли ҳодиса ва воқеаларнинг ифодаланишига, жараёнларнинг юзага келиши ва кечишига (динамикасига) эътибор қаратсак, уларнинг замирида таълим-тарбия, аникроғи, унинг ҳосиласи сифатида бирон бир хулқ модели намоён бўлишини кузатиш мумкин. “Бу масалага педагогик фаолиятнинг манфаати нуқтаи назари билан қараганда, таълим-тарбия бериш жараёнида профессор-ўқитувчилар қатор вазифаларни бажариши кузатилади. Бу вазифаларнинг муҳимлари сифатида - ахборот бериш, дунёқарашни шакллантириш, ҳаёт йўлини танлашни ўргатиш, маданийлаштириш, мулоқотга тайёрлаш (жумладан касбий), мақсадни шакллантиришни ўргатиш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин”<sup>3</sup>. Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан билдирган табрик нутқида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, жумладан: “Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон - қаерда ишламасин, қандай касбу - кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик хисси билан яшайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг қўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бағишлиб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзиди”<sup>4</sup> деб таъкидлаган.

Бу вазифаларни амалга ошириш профессор-ўқитувчилар талаба(тингловчи)ларни фақатгина ўқув фаолиятини эмас, балки уларни ўзларини намоён этиш, дарсга ва атрофдагиларга бўлган муносабатини, интилишларини, қизиқишлирини, эътиқоди ва таълимга бўлган муносабатини ҳам ўрганиб боришади. Бунда улар асосан кузатув, сухбат

<sup>3</sup> Саров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 23-бет.

<sup>4</sup> <http://xs.uz/>

(диагностик), контент таҳлил (ёзма назорат ишларини шарҳи), экспертча сўров (бошқа устозларнинг фикрини инобатга олиш (билиб олиш)), фаолият маҳсулини ўрганиш (ижобий ёки салбий хулқ моделини ўрганиш) каби усуллардан фойдаланиб, таҳлилни амалга ошириб, галдаги касбий вазифаларни белгилаш (касбий даражада қарор қабул қилиш) учун ахборот жамлайди. Ахборот алоҳида педагогик вазият, педагогик фаолият, шахсий ёки таълим олувчиларнинг ўкув фаолияти, шахсига, тингловчилик жамоасига тааллуқли бўлиши мумкин. Ахборот муаммога оидлиги бўйича шарҳланади, хулоса ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади. Бундан кўзланган мақсад тўғри қарор қабул қилиш жараёнини таъминлашдан иборат.

Кўрининиб турибдики, педагогик фаолиятда турли мажмуавий хусусиятлари билан таҳлил алоҳида ўрин тутади. “Таҳлил алоҳида илмий тайёргарликни, турли илмий услубларни мақсадли танлаш ва ўринли қўллаш, ўрганилаётган муаммо бўйича билимга эга бўлишни талаб этувчи фаолиятнинг мураккаб туридир”<sup>5</sup>. Бугунги кунга қадар таҳлилнинг барчага мақбул бўлган, яъни унверсал модели яратилмаган (яратилиши ҳам мумкин эмас), аммо шунга қарамай жамият доирасида турли даражаларда таҳлил ва қарор қабул қилиш учун муҳим ҳисобланган таҳлилий манбаларга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Касбий мулокот давомида “таҳлил”, “изоҳ”, “шарҳ”, “талқин” каби тушунчалар кўп қўлланилади, бироқ уларнинг моҳиятига доимо ҳам эътибор қаратилмайди. “Изоҳ” тушунчаси, биринчидан, сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ва бошқага бериладиган тушунтириш, шарҳ, тавсиф (масалан: сўз маъносининг изоҳи, қонун моддасининг изоҳи, шарҳи) кабиларни англатади. Аниқ контестга (матнга) унинг айрим жойларига киритилган ёки муҳокама қилинаётган масалага берилган қўшимча маълумот, тушунтириш, эслатма, уқтириш маъноларини ифодалайди.<sup>6</sup> Шарҳ эса тушунтириш, изоҳлаш, тавсифлаш, эслатма кабиларни билдириб, бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш, изоҳлашдир.<sup>7</sup> Таҳлил, тарқатиш, ёзиш, текшириш, суриштириш, ҳал қилиш, очиш деган маъноларни билдирысада, унга қуйидагича муносабат билдириш мумкин: таҳлил, мураккаб тафаккур операцияси ҳисобланиб, унинг ёрдамида предмет ва жараёнлар (ходисалар) аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида яхлит тарзда ёки алоҳида қисмларини турли белги ва хусусиятлари бўйича алоқадорлик даражасини белгилаб беради. Кўрсатишича, таҳлил тушунчаси қуйидаги таснифларга эга:

1. Нарса, ҳодиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши;
2. Бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш;

<sup>5</sup> Самаров Р. (хаммуаллифлика). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) / монография. - Тошкент: Akademiya, 2010. - 16 бет.

<sup>6</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002. – 101 бет

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. - Т., 1981. – 553 бет.

3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш.<sup>8</sup>

Педагогик фаолиятни такомиллаштиришда таҳлил амалий мазмун касб этиб, таълим-тарбиянинг сифатини таъминлаш учун хизмат қиласди. Юзага келган педагогик муаммонинг (масалан, педагогик низо) сабабларини аниқлаш, уни кечишининг даврийлигини билиш учун, низонинг вужудга келишига таъсир кўрсатган омилларни, бунда аввало қайси қонуниятларга (улар табиий ёки сунъий бўлиши мумкин) амал қилинишини билиш лозим бўлади.

Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, ҳодиса, жараён (жумладан педагогик жараённи), рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб беришда намоён бўлади. Таҳлил, фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги қунда таҳлилнинг турли шакли ва таҳлилнинг турли усувлари вужудга келди. Негаки, ҳар қандай муаммони, шу жумладан педагогик фаолият доирасида вужудга келадиган “Ҳ-визият”ларни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этади.

“Инсонлар ҳамма вақт жамият ҳаётида содир бўладиган турли воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш масаласи билан қизиқиб келишган. Даставвал, бунинг учун, воқеа ҳодисалар шаклан қиёсланиб, уларнинг мазмун ва моҳиятига кўп ҳам эътибор қаратилмаган бўлиши мумкин. Бу барча интилишлар ҳаёт давомида пайдо бўладиган турли тўсиқларни бартараф этиш, пайдо бўлган муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида амалга оширилганки, уни биз шартли равишда таҳлилий фаолият шаклланишининг биринчи босқичи деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз”<sup>9</sup>. Ю.Сурмин “Теория систем и системный анализ” деб номланган ўқув қўлланмасида: таҳлилий фаолиятнинг ибтидоси Сукротга бориб тақалади, масалаларни ҳал этишда у диалогдан (муаммони ечимини топиш (аниқлаш) усули сифатида –С.Р.) фойдаланиб, мунозаралар асосида далилларни келтиришга мушарраф бўлган<sup>10</sup> деб муносабат билдирган.

Тизимларни тавсифлашда уларнинг турли жиҳатларига эътибор қаратилади, тизимни тавсифлашда қўйидаги босқичларга амал қилинади:

Функционал тавсиф босқичи, бунда алоҳида функциялар кўриб чиқилади, яъни тизим фаолиятининг алгоритмларига эътибор қаратилади. Функция деганда, мақсадга етакловчи хоссалар назарга тутилади. Бунда функционал ёндашув асосида тизимнинг бажариладиган функциялари баҳоланади. Тизимнинг фаолиятмандлигини аниқлаш тизим ҳолатини белгилаш, тактизимларни бошқариш қонуниятларини белгилаб олиш учун имконият яратади.

Морфологик тавсиф босқичида тизим ажратган унсурларнинг таркиби ва уларнинг алоқадорлик даражаси ҳамда тизимнинг тузилмавий жиҳатлари тасвирланиб, тасвирнинг тўлиқлиги ва қисмларга ажратилганлиги

<sup>8</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – 41 бет.

<sup>9</sup> Самаров Р. Ижтимоий тараккӣётни таъминлашнинг назарий-амалий жиҳатлари // Муҳофаза + журнали. 4 –сон, 2011 (78). 4-бет.

<sup>10</sup> Сурмин Ю. П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие. - Киев: МАУП, 2003. – С. 242.

күрсатилади.

Ахборотли тавсиф босқичида тизимнинг функционал ва морфологик хусусиятларини ички ва ташқи ахборотларнинг сифати билан боғлиқлиги белгилаб олинади.

Тизим маълум муносабатлар воситасида атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлишидан далолат беради. Бу муносабатлар ўзида:

- ташқаридан келадиган (стимул) турткиларни – (inputs) **киришларни** ва атроф-муҳитга чиқадиган барча таъсирларни – (outputs) **чиқишларни** жамлайди.

Тизимга нисбатан турткилар, яъни стимуллар икки хил шаклда бўлиши мумкин. Уларга талаб ва қўллаб-кувватлашни келтириш жоиздир.

**Талаб-турткилар** (стимуллар) қуйидаги шаклда амал қиласди:

- қадриятлар ва хизматчиларнинг иш ҳақи, меҳнат шароитлари, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқаларни тақсимлашга оид (стимул) турткилар;
- феъл-атворни тартибга солишга оид (стимул) турткилар (барқарорликни таъминлаш);
- коммуникация ва ахборотга оид турткилар. Буларга, ахборотдан эркин ва teng фойдаланиш ҳукуқи ва бошқалар киради.

**Қўллаб-кувватлаш турткилар** (стимуллар)га қуйидагиларда ифодаланади:

- фуқароларнинг қонунларга риоя қилиши;
- ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши;
- раҳбариятга муносабати ва расмий\қонуний ахборотга эътибори;
- хизматлар кўрсатиши ва тизимни моддий жиҳатдан молиялаштириши.

**Киришга** келувчи талаб-турткилар ва қўллаб-кувватлаш турткилари тизим томонидан **чиқиш** сигналларига айлантирилади ёки қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- қонун меъёрларни яратиш;
- қадриятлар ва вазифаларни тақсимлаш;
- жамиятда хулқ ва ўзаро алоқаларни тартибга солиш.

Чиқиш сигналлари атроф-муҳит – шу идора ходимлари жараёнга маълум таъсир кўрсатади, жавоб қайтаради.

“Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига кўра, иерархик жараён, чунки у тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодалайдиган, йирикроқ тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини кўзлайди.<sup>11</sup> Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларига эгалиги, ушбу қисмлар орасида поғанали буйсунишнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этиши бўлиб, муҳит (1-чизма) билан алоқада бўлади. “Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига кўра, иерархик

<sup>11</sup> Самаров Р. Хавфизликнинг методологик асослари / монография. – Тошкент: Akademiya, 2010. 84–85 – бетлар.

жараён, чунки у тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодалайдиган, йирикроқ тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йифиндисини кўзлайди.<sup>12</sup> Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларига эгалиги, ушбу қисмлар орасида поганали буйсунишнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигига акс этишидир<sup>13</sup>.

### 1-чиҳза.



### Ижтимоий тизимнинг назарий модели.

Шунингдек илмий адабиётларда “тизим” ва “система” иборалари синоним, айнан бир хил маъноли сўзлар тарзида қўлланади. Фалсафий қомусий лугатда: “тизим”, система (қисмлардан иборат бутун) – ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи”- деб таъриф берилган<sup>14</sup>. Яна шу манбада қўйидаги изоҳларни учратиш мумкин. “Система” – яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объекти ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория. Одатда, системани энг муҳим умумий тарзида элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. “Система” тушунчаси ўз маъносига кўра “алоқа”, “элемент”, “бутун”, “бирлик”, “структурা”, (элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Ушбу ўринда системали тадқиқ этишининг асосий вазифалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, элементлар ўртасидаги боғлиқликни ажратишdir. Системанинг моҳиятини методологик тушунишга кўра системалик объект ва ҳодисанинг ўз ҳоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга

<sup>12</sup> Ўша манба.

<sup>13</sup> Карап:Блауберг И.В., Юдин Б.Г. Понятие целостности и его роль в научном познании. – М., 1972. – С.16; Афанасьев В.Г.Системность и общество. – М., 1980. – С.21-31.

<sup>14</sup> Фалсафа: Қомусий лугат / Тузувчи ва маъсул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.:Шарқ, 2004. 399 – бет.

йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади<sup>15</sup>.

Таҳлилга (жумладан тизимли таҳлилга) бугунги кунда фаолиятнинг алоҳида тури сифатида қараб келинмоқда. Негаки, турли даражалардаги (тезкор, стратегик ва б.) бошқарувда таҳлилий фаолиятнинг маҳсули бўлмиш шарҳ, маълумотнома, изоҳ, ҳисобот, хабарнома, йўриқнома, мурожаатнома кабиларга ҳаётимизнинг турли соҳаларининг равнақини таъминлаш мақсадида мурожаат этиб келинмоқда. Таҳлилий фаолият маҳсули ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш жараёнини босқичларга ажратиб, ижобий ва салбий жиҳатларини белгилаб, бажариладиган галдаги вазифаларни аниқлаб олиш учун амалий хизмат қиласди. Бунда таҳлилнинг нисбатан мукаммал тури сифатида тизимли таҳлил алоҳида ўрин тутади. Бизнингча, **тизимли таҳлил деб, мураккаб ҳисобланган ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий характерга эга бўлган масалаларни ўрганиш учун қўлланиладиган тўрттадан кам бўлмаган, бир бирини тўлдирувчи усуллар ёрдамида амалга ошириладиган онгли ҳаракатлар кетмакетлигини тушуниш лозим.**

Ижтимоий тараққиётни таъминлашда таҳлилий фаолиятнинг тутган ўрнини инобатга олсак, уни ижтимоий аҳамиятлилик даражаси қай даражада юқори эканлигини тушуниш қийин эмас. Негаки, айнан таҳлилий манба (диссертация, монография, илмий мақола, шарҳ, ҳисобот, маълумотнома, тақриз ва бошқа шу шаклдаги манба бўлиши мумкин) воситасида соҳа вакиллари стратегик мазмунга эга бўлган масалаларни мазмун-моҳиятини изоҳлаб, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳалар тараққиётини таъминлашнинг асосий вазифаларини белгилаб беради.

Таҳлилнинг ривожланиш тарихи хар бир минтақада ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, Ғарб мамлакатларида бу хусусда бир қатор ютуқлар қўлга киритилган. Э. Жонсоннинг ёзишича, “XX асрнинг 90-йилларида биргина Вашингтонда юзга яқин таҳлилий марказлар мавжуд бўлган”.<sup>16</sup> 2000 йилдан сўнг, умуман, дунёда таҳлилий фаолиятга эҳтиёжнинг ўсиши кузатилди. Бунга мисол тариқасида таҳлил марказларининг умумий сони 4,5 мингта етганлигини<sup>17</sup> кўрсатиб ўтиш мумкин. 2009 йилнинг охирларига келиб эса уларнинг сони 5,5 минг тани ташкил этади.<sup>18</sup> Бу кўрсаткич таҳлилнинг соҳавий ривожланиши стратегик бошқарув нуқтаи назари билан қараганда зарурият эканлигини кўрсатади.

Таҳлил фаолият сифатида бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан амалга оширилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган манфаатлар таъминланади.

Тизимли таҳлил этиш учун ҳар қандай объект танланиши мумкин. Аммо, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий институтлар<sup>19</sup> танланса,

<sup>15</sup> Ўша жойда. 370 – бет.

<sup>16</sup> Erik C. Johnson How Think Tanks Improve Public Policy. <http://www.cipe.org/e21/priE21.html>

<sup>17</sup> Қаранг: J. McGann. Think Tanks and Transnationalization of Foreign Policy // US Foreign Policy Agenda. 2002. Vol. 7. No 3., The Leading Public Policy Research Organizations in the World. Philadelphia. 28.07.2010. - P. 15.

<sup>18</sup> <http://gtmarket.ru/news/state/2009/01/12/1888>

<sup>19</sup> Институт лотинча “institutum” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “ўрнатиш” ёки “ташкилот” деган маънони англатади.

бунда улар яхлит тарзда танланиб, метрик усуллар асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Таҳлил этиш жараёнида уларни мақсади, амал қилиш қонуниятларини инобатга олиш талаб этилади.

Тизимли таҳлил асосида қарор қабул қилиш учун турли кўринишга эга бўлган манба тайёрланади. Педагогик фаолият доирасида бу маъруза, тезис, ҳисбот, тавсиянома тарзида ҳам бўлиши мумкин. Чунки тизимли таҳлилнинг бир қатор вазифалари мавжуд бўлиб, улар ҳақида аник тушунчага эга бўлиш, таҳлилий фаолиятни мазмундорлигини таъминлаш учун хизмат қиласи. Уларнинг муҳимларини келтириб ўтамиш:

Тизимли таҳлилнинг бошқарувчанлик функцияси.

Тизимли таҳлилнинг диагностик функцияси.

Тизимли таҳлилнинг огоҳлантирувчи функцияси.

## **1.2. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил.**

Педагогик тизим доирасида таҳлилни амалга ошириш учун, тизимли таҳлилнинг хусусий жиҳатлари амалий мазмун касб этади, бу хусусда фикр юритишдан олдин, педагогик тизим ҳақида муносабат билдирамиз. Педагогик тизим, бу ягона мақсад сари, аникроғи шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса албатта иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудлик (амалиёт)) иборат бўлган мажмуудир (яхлитликдир).

Фанда таҳлилнинг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, фан соҳалари доирасида улар турли хоссалари бўйича тавсифланишини алоҳида кўрсатиб ўтиб, муҳимларини келтирамиз: - функционал таҳлил, институционал таҳлил, трендлар таҳлили; фрагментар таҳлил; ивент таҳлил; мифологик таҳлил, графикали таҳлил, прогнозларнинг таҳлили, аксиологик таҳлил, прагматик таҳлил, праксеологик таҳлил, дастурлар таҳлили, муаммоли таҳлили, концептуал таҳлил, вазиятли таҳлил, сюжетли таҳлил, жузъий ўзгаришлар кўрсаткичининг таҳлили, сабаб-оқибат боғлиқлиги таҳлили, корреляцион таҳлил, кластерли таҳлил, семантик таҳлил, дискурс таҳлил, даражали таҳлил, қиёсий (жумладан жуфтли) таҳлил, ресурсларнинг таҳлили, мантиқий-лингвистик таҳлил ва б.

Таъкидлашича “Педагогик тизим доирасида таҳлилни амалга ошириш учун, онгли ҳаракат технологиясига (2-чизма) амал қилиш самарали натижалар бериши эҳтимолдан холи эмас.

Вазифадорлигига (функционаллигига) кўра, онгли ҳаракат технологияси таҳлилни амалга оширувчини таҳлилий фаолиятининг самарадорлигини таъминлаб, ахборий ва интеллектуал каби ресурслардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиради. Самарадорлик қуйидаги мантиқий хоссаларда ифодаланади: таҳлилни амалга ошириш учун вақтни тежашда, муамони ечимини топиш учун илгари суриладиган фаразни тўғри тузишда, таҳлилни амалга ошириш учун воситаларни (усулларни) мақсадли

танлашда, таҳлилни амалга ошириш учун муаммонинг (вазиятнинг) характерини инобатга олишда, муммоми ечиш учун белгиланадиган муддатни аниқ белгилашда, қарор қабул қилиш учун турли вариантили ечим йўлларини белгилаб олишда, тавсияларни манзилли тайёрлаш кабиларда”<sup>20</sup>.



ҲХЛИЛ, НТИСИ, ЎЗ СОҲАСИННИГ билимдони, янгиликларга интилувчи-бунёдкор, чукур мушоҳада юрита оладиган-ижодкор инсон-мутахассис томонидан амалга оширилиши натижасида педагогик меҳнат, шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган манфаатларни ҳимояси таъминланади. Педагогик тизим доирасида бу масала алоҳида мазмун касб этиб, истиқболга қаратилганлиги, миллат, ватан тақдирни билан бевосита боғлиқ бўлганлиги жиҳатидан стратегик масалалар сирасига таллуқли бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир.

### Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлил деганда нимани тушунасиз?
2. Педагогик вазиятни тизимли ўрганишдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
3. Тизимнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Педагогик тизимнинг мақсад ва вазифаларини ажрата оласизми?
5. Тизим тушунчасининг моҳитини биласизми?
6. Тизим остилар деганда нимани тушунасиз?
7. Номаълум (Х-педагогик) вазият деганда нимани тушунасиз?
8. Тавсиф ва шарҳ тушунчаларини қиёсий таҳлилини амалга ошираоласизми?
9. Тизимнинг структураси деганда нимани тушунасиз?
10. Тизимларни қандай ткурлари бор?
11. Педагогик тизимнинг тизимостиси деганда нимани тушуниш лозим?
12. Моделни қандай турлари бор?
13. Тизимости алоқадорлик деганда нимани тушунасиз?
14. Тизимли таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?
15. Тизимли таҳлил усулининг вазифаларини шарҳлай оласизми?

<sup>20</sup> Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. – Б. 23-30.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти – матбаа ижодий уйи, 2014. – 73 б.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. – Т., 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: Квarta, 2002.
5. Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010.
6. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. - Т.: Академия, 2010.
7. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон.
8. Фозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.
9. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.

## 2-мавзу: Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи.

**Режа:**

- 2.1. Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи.
- 2.2. Тизим классификацияси

**Таянч иборалар:** Тизим назарияси, таълимотлар, педагогик тизимли таҳлил, “Авесто”, «Қобуснома», Абу Наср ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Газзолий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ж. Румий, Амир Темур, Алишер Навоий, Давоний, М.Беҳбудий, тизим, тизимлар олами, тарбия, анализ, синтез, дедукция, индукция, ақлий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, ахлоқий тарбия, тизимли амалиёт, Берталанфи Людвиг Фон, Т.Парсонс, М.Вебер, Хендерсон, Парето, Шумпетер, Эмерсон, Ньютон.

### 2.1. Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи.

Одамларнинг ҳаётий шароитининг ўзгариши уларнинг ўзгартиради, натижада ижтимоий алоқалар харәктери ҳам ўзгаради. Ундан чиқди, жамиятнинг тизими ҳам шунга мувоффик ўзгаради. Шунга кўра тизимли таҳлилнинг ривожи XX аср яримида илмий-техникавий вазифаларнинг вужудга келиш билан пайдо бўлди. Бунда асосий ўринни мураккаб обьектларни ташкил этиш ва амалга ошириш, билиш ва амалий тадбиқ этиш жараёнлар эгаллайди. Бу ўз навбатида мураккаб обьектларнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида тадқиқ этиш заруратини талаб қиласди. Мазкур вазифалар ижтимоий амалиётда тадбиқ этилиши заруратини вужудга келтиради. Йирик вазифалар ечимини топишда қўп қиррали техника бир-бири билан боғлиқ мураккаб тизимга айланиб боради.

Чуноночи, мураккаб ижтимоий бошқарувда техникавий-технологик ёндашувлар асосида ижтимоий муносабатлар ривожини таъминлашга қаратилган барча соҳаларнинг ўзаро боғлиқ ҳаракатлар уйғунлигини талаб қила бошлайди. Яъни индустрисал жамият элементларининг ортиб бориши талаб ва эҳтиёжнинг ўсишига ва шу аснода тизимли таҳлилнинг ривожини такомиллаштирилишига олиб келди.

**Биринчи бор, бутун борлиқ катта ва кичик мажмулардан иборат деган фикрни италиялик файласуф Зенон (м.авв..490-430) айтиб кетган. У айтадики, бутун нарса бўлингач, қўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади. Шу фикрга яқин фикрни қадимга юонон файласуфи Марк Аврелий Антонин айтган: "Ҳамма нарса бир-бирига чатишиб кетган. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Барча нарсалар умумий тартиб-қоидалар асосада бирлашиб, айнан бир оламни безашга**

**хизмат қиласы”<sup>21</sup>.**

Тизимли таҳлил мустақил тадқиқот йўналиши сифатида 1950 йилларда АҚШда қуролли кучларни техник жиҳатдан ривожлантириш, космосни ўзлаштириш, давлат бошқаруви аппаратини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини тақсимот қилиш, ишчи кучи ва ускуналарга бўлган талабни белгилаш, турли маҳсулотларга эҳтиёжларни аниқлаш каби йирик бизнес вазифаларини бажаришда қўлланилади. Аммо, 1960–1970-й тизимли таҳлил методларининг ҳисоб машиналарга киритилиши мураккаб вазифаларни амалга ошириш воситалари сифатида назарий моделларни яратиш имкониятлари вужудга келади. Тизимли таҳлил имкониятларидан интенсив фойдаланиш шароити кенгайган сари мақсадли-режавий дастур бошқарув методлари яратилди. Жумладан, у ёки бу муаммони ҳал этиш мақсадида ташкилот фаолиятини ташкил этишда инсон ва моддий ресурсларни ҳисобга оловчи маҳсус дастурлар ишлаб чиқилади. Натижада турли соҳалар фаолиятини тадқиқот қилишга қаратилган тизимли таҳлилнинг турли мактаблари пайдо бўлди.

1972 йилда Вена ёнидаги Лаксенбургда, Австрияда, 12 мамлакатни бирлаштирган прикладно тизимли таҳлили халқаро институти ташкил этилади (International Institute for Applied Systems Analysis; IIASA). Бугунги кунда институт халқаро ҳамкорликни талаб қилувчи асосан глобал муаммоларда тизимли таҳлил методларини тадбиқ этиш вазифалари билан шуғулланади. Тизимли таҳлилнинг ривожланиш тарихи ҳар бир минтақада ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, Ғарб мамлакатларида бу хусусда бир қатор ютуқлар қўлга киритилган. Э. Жонсоннинг ёзишича, “XX асрнинг 90-йилларида биргина Вашингтонда юзга яқин таҳлилий марказлар мавжуд бўлган”.<sup>22</sup> 2000 йилдан сўнг, умуман, дунёда таҳлилий фаолиятга эҳтиёжнинг ўсиши кузатилди. Бунга мисол тариқасида таҳлил марказларининг умумий сони 4,5 мингга етганлигини<sup>23</sup> кўрсатиб ўтиш мумкин. 2009 йилнинг охиrlарига келиб эса уларнинг сони 5,5 мингни ташкил этади.<sup>24</sup> Бу кўрсаткич таҳлилнинг соҳавий ривожланиши стратегик бошқарув нуқтаи назари билан қараганда зарурият эканлигини кўрсатади.

**Тизим назарияси.** Замонавий маънодаги тушунча шаклида тизимли ёндашув 1950-60 йиллардан ривожлана бошлади. Бундай ёндашув ривожи икки йўналишда – назарий ва амалий шаклда параллел равишда олиб борилмоқда.

Назарий йўналишда турли концепциялар изчилик билан жиддий ўрганиладиган тизимга бирлашиб, мустақил илмий соҳа – тизим назарияси пайдо бўлади. Тизим назарияси тўғрисидаги мумтоз асарлар сирасига австриялик биолог Людвиг Берталанфи ва унинг издошлари асарлари киритиш мумкин. Ушбу соҳанинг энг кўзга кўринган вакиллари сифатида

<sup>21</sup> Ҳакиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф.-Т.:Янги аср авлоди, 2002, 10-б.

<sup>22</sup> Erik C. Johnson How Think Tanks Improve Public Policy. <http://www.cipe.org/e21/priE21.html>

<sup>23</sup> Қаранг: J. McGann. Think Tanks and Transnationalization of Foreign Policy // US Foreign Policy Agenda. 2002. Vol. 7. No 3., The Leading Public Policy Research Organizations in the World. Philadelphia. 28.07.2010.. - P. 15.

<sup>24</sup> <http://gtmarket.ru/news/state/2009/01/12/1888>

А.Пуанкаре, А.Багданов, А.Колмогоров, В.Арнольд, И.Пригожина, Р.Акофф, Э.Ласлони киритиш мумкин. Аммо тизимли ёндашув ривожига у ёки бу кўринишда ҳисса қўшган олимларнинг ҳақиқий рўйхати анча узундир. Тизимли қонуниятларни ҳам умумий кўринишда ҳам алоҳида соҳаларда тадқиқ этган муаллифлар санаб бўлмас даражада кўп. Алоҳида ишлар ва йўналишлар доирасида тизимли ёндашув, тизимли таҳлил ва бевосита тизим назариясининг ўзида мужассам этган турли шархларни учратиш мумкин. Моҳият жиҳатидан тизимли ҳисобланадиган кўплаб илмий ва фалсафий ишлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг на номланишида ва на аннотациясида «тизим» сўзи учрамайди. Бундан ташқари, ҳар бир илмий соҳада – халқаро муносабатлардан тортиб менежментгача – тизимларнинг айнан ўша соҳа доирасида хулқ-автор қонуниятларини ўрганувчи мумтоз асарлар мавжуд. Шуни таъкидлаш керакки, тизим назариясига нималар кириши борасида ҳам чалкашликлар мавжуд. Бугунги кунда Синергетика, хаос назарияси, номувозанат термодинамикаси ва бошқа бир қатор тушунчалар алоҳида тизим феноменларими ёки, алоҳида илмий йўналишми, деган саволлар илмий тортишувлардан ўрин олган. Тизимлар ҳатти-ҳаракатида ҳалигача тушунтиришнинг иложи бўлмаган «оқ доғлар» мавжудлигидан ташқари, аллақачон кашф этилган қонуниятларни назарий ҳолатдан амалиётга ўтказишнинг муаммолари мавжуд. Аниқ фанларда тизимли модел асосида мураккаб ҳодисаларни таҳлил этиш ва прогноз қилиш зарурий матеметик аппаратнинг, жумладан ноҳизиқ бошқарув ривожланиши билан чекланади. Гарчи тизим назарияси тизимли таҳлил учун илмий база бўлсада, шу соҳага оид кўплаб замонавий назарий ва амалий кашфиётлар ҳалигача бевосита амалиётда қўллаш учун мослаштирилмай, ҳаётда камдан-кам ишлатилади.

**Тизим назариясининг асосий объектлари** табиий ва сунъий, жонли ва жонсиз, реал ва мавхум, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларидан иборат. Ушбу назария тарафдорлари нуқтаи назарича, дунёда барча нарса тизимдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳодиса ва обьектни бир тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шу маънода тизим назарияси якунланган ёки тўлиқ эмас, аксинча у турли ўлчамли ғоялар, назарий моделлар ва умидбахш кашфиётлар йигиндиси бўлиб, жавоблардан кўра саволлар кўпроқдир.

**Тизим назарияси иккинчи йўналиш** – амалиётнинг илмий базаси ва умумий парадигмасидир. Тизимли таҳлил ўзида мураккаб муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш методологиясини касб этади. Бугунги кунда бу методология америкалик тадқиқотчилар ва институтлар томонидан кенг ўрганилган. АҚШда амалий тизимли таҳлил 1960 йиллардаёқ эътироф этилган эди. Бунга Американинг етакчи «фикр трест»ларидан бири RAND корпорациясининг фаолияти сабаб бўлди. RAND ушбу методологиядан фойдаланишининг самарадорлигини ва истиқболларини аввал ҳарбий соҳада – бевосита курол-яроғ ишлаб чиқариш тизимини яратишда, сўнгра давлат бошқарувининг ва саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам исботлаб берди. Р.Макнамара илмий услублардан тадбиркорлик ва сиёсатда фойдаланиш

тарафдорларидан бўлиб, тизимли таҳлилни АҚШ муассасалари орасида фойдаланиш оммалашувига кўмаклашган. Ҳозиргача RAND тизимли таҳлилдан турли соҳаларда фойдаланади. Натижада унинг ривожланишига ва оммавий қўлланишига олиб келмоқда. Тизимли таҳлилнинг турли соҳалари учун аниқ методикаларини ишлаб-чиқиши билан американинг илғор олий ўқув юртлари шуғулланмоқда. Мисол учун, Массачутис саноат институти хузурида Халқаро амалий тизимли таҳлил институти очилган (International Institute for applied Sciences Analyses, ПАСА).<sup>25</sup>

Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилнинг назарий ва амалий аҳамият бугунги кунда икки даражада номоён бўлмоқда. Бу биринчидан, назарий ва иккинчидан амалий фаолият билан боғланади ва шу йўналишга қаратилади. Иккаласи ҳам педагогика деб номланади. Уларни фарқлаш, яъни назарий қисми нималарни, амалий қандай вазифаларни қамрай олиши тизимли таҳлилнинг вазифаларига киради.

Назарий педагогика тадқиқоти ўзининг мақсад, тушунча ва маълум қонун-қонуниятларга эга бўлиб амал қиласди. Таълимнинг моҳиятига дахлдор бўлган ғоялар, қарашлар, таълимотлар мажмуаси сифатида қаралади.

Амалий педагогика назарий ютуқлардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари сифатини оширишга қаратилган моделларни конструкциялади, тадбиқ қиласди, янги моделларини жорий қиласди. Бу ўз навбатида мукаммал технологиялар асосида амалда таъминлашга хизмат қиласди. Шундай қилиб, амалий педагогиканинг асосий категорияси – бу педагогик технология. Шу ўринда педагогик фаолиятда тизимли таҳлил назарий таъминот билан амалиёт ўртасидаги тафоввут муаммоларини ўрганиш ва самарали қарорлар қабул қилиш функциясини амалга оширади.

Педагогик тизимли таҳлил, тизимли моделлаштириш ва конструкциялаш, тизимли амалиёт инсон тафаккури маданиятининг энг юқори наъмунасини рўёбга чиқаришга хизмат қиласди. Шу жиҳатдан замонавий педагогика тизимли тадқиқод билан шуғулланиши ва тегишли билимларга эга бўлиш даврнинг талабига айланмоқда. Педагогик тизимли таҳлил, тизимли моделлаштириш ва конструкциялаш, тизимли амалиёт билан боғлиқ қарашлар Farb олимлари асарларида ҳам атрофлича ўрганилган. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Умумий тизимлар назарияси» асосчиси австро-амеркалик биолог Берталанфи Людвиг Фон (1901—1972) 1934-49 йилларда Канада ва АҚШ университетларида, кейинчалик 1949 Вена университети профессори лавозимларида фаолият олиб борган. “Дунёнинг биологик манзараси”, “Назарий биология”, “Ақл, одамлар, амаллар”, “Тизимлар назарияси” асарлари муаллифи. 1954 йилда “Умумий тизим назарияси таҳлил жамияти”га асос солади. Унинг илмий ютуғи биологияда очиқ тизим назариясини кашф этишида. Унда хужайраларининг алоҳида хусусиятлари фаолияти умумий яхлит ҳолатга келиши ва яна мустақил, аммо боғлиқ элементларини аниқлайди. Ёпиқ тизимлардан очиқ тизимлар фарқини белгилайди. Берталанфи тизим назариясининг фанлараро умумий дастурини

<sup>25</sup> Журае С. Тизимли таҳлил курсига кириш. Матъузалар матни. Т.: 2009.

ишлаб чиқиши таклифини билдиради. Унинг асосий вазифаси: 1) тизим функционаллигини таъминловчи аниқ туридан қаттий назар умумий тамойиллари ва қонуниятларини ишлаб чиқиши; 2) ножисмоний назариянинг хусусиятларини белгилашда фойдаланиши; 3) Илмий билишнинг синтез методологиясини яратиш. Бу дастур кибернетики ёки синергетиканинг ривожланишига олиб келди. Кейинги даврларда Берталанфи тизим назариясини инсоннинг тафаккури ва физиологиясини таҳлил этишда қўллашга уринади<sup>26</sup>.

Тизим тушунчасининг пайдо бўлиши фан ривожланиш мантифи билан боғлик. Америкалик социолог олим Т.Парсонс (1902—1979) ўзи яратган ижтимоий тизим назариясида унинг қарашларига немис идеализми М.Вебер орқали кучли таъсир кўрсатганини ва у яна ўзига замондош олимлар Хендерсон, Парето, Шумпетер, Эмерсонлар яратган назариялардан фойдаланганини таъкидлаб ўтади.<sup>27</sup> Унинг таъкидлашича, Парето тизим моделини механикадан олган ва бу моделни иқтисод ва социологияга нисбатан қўллашга ҳаракат қилган. Шу тарзда "ижтимоий тизим" тушунчаси вужудга келди. Хендерсон, ўз навбатида, физик ва химик тизимлар тушунчасини ойдинлаштириб бериб, "жонли тизимлар" нинг ўзига хослиги ҳақида фикр юритиш имконини берди. Нихоят, Эмерсон органик дунёдаги жонли тизимлар билан инсониятнинг" ижтимоий — маданий тизимлари ўртасида фундаментал боғлиқлик ва узвийлик гоясини илгари суради. Шу тариқа, Парсонс ташқи муҳит билан узвий алоқадорликда бўлган ва унга доимо мослашиб борувчи ижтимоий тизим назариясини яратди.

Т.Парсонс замонавий ғарб жамиятини таҳлил объекти сифатида танлайди. Унга кўра, замонавий жамиятни мураккаб, ички бўлинган тизим сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Унинг тузилишини тўрт ўзгармас кўрсаткич: қадриятлар (маданий соҳа), меъёрлар (ижтимоий соҳа), жамоалар (сиёсий соҳа) ва роллар (иқтисодий соҳа) асосида таҳлил қилиш таклиф этилади. Жамият юқоридаги кўрсаткичлар амал қилувчи тўрт кичик тизимга бўлинади. Ҳар бир кичик тизим ўзига хос функцияларни бажаради, улар айни вақтда бошқа кичик тизимлар билан доимий ва чуқур алоқадорликда, ўзаро таъсирида бўлади, ҳамма кичик тизимлар бирлиги яхлит фаолият тизимини (жамиятни) ташкил этади. Натижада жамият тараққиётини ташқи муҳитга узлуксиз мослашиши ва назорат жараёни тарзида ўрганиш имконияти туғилади.

Жамиятни мустақил, ўзаро боғлиқ таркибий қисмлар бирлиги сифатида ўрганиш модели муайян жамиятнинг муаммолари, жараёнлари, истиқболлари ҳақида тўлиқ ва тўғри билимга эга бўлиш имконини беради. Гўё яхши шифокор инсон танасининг фақат касал аъзосинигина эмас, барча аъзо ва руҳиятни даволагани сингари, жамиятшуносликда ҳам жамиятнинг ҳолатини ўрганишда барча омиллар ва муҳит таъсирини ҳисобга олиш ва хулосалар чиқариш имконини айнан тизимлар назарияси яратди.

<sup>26</sup> Қаранг:Берталанфи Л. Общая теория систем: Критический обзор // Исследования по общей теории систем. — М.: Прогресс, 1969. — С. 23-82.

<sup>27</sup> Парсонс Т. Система современных обвеств. М., 1998. 14 с.

Т.Парсонс гоясининг узвий ривожи тарзида Д.Истоннинг сиёсий тизим назарияси яратилди. Д.Истон ёндашуви сиёсатнинг жамиятдаги ўрнини ойдинлаштиради ва ундаги ижтимоий ўзгаришлар механизмини тушунтириб беради. Сиёсат—Истонга кўра — нисбатан мустақил соҳа бўлиб, унинг асосий вазифаси — ресурсларни тақсимлашдан иборат. У тизим ҳақидаги назарияларда уларни турли хил мезонларга кўра туркумлашга ҳаракат қилинади. Ушбу типологияларнинг кўплиги, мураккаблиги ва хилма — хиллиги билан асосланади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир амалда мавжуд тизим турли кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниши ва турлича таърифланиши ва тавсифланиши мумкин.


### **Тизим назариясининг умумий тадқиқот йўналиши;**

1. Тизимлар синфи ўртасидаги умумий ва хусусий муносабатларини белгилайди. Муносабатлар деганда мақсад, структура, ташкил этиш, алоқа, функция, интеграция каби тизим тушунчалари йиғиндисини англатади.
2. Тизим синфлари ўртасидаги умумий ва хусусий математика ёхуд компьютер тизим тажрибаларидан олинган билимларни шакллантиради.
3. Тизим методологиясини ишлаб чиқиш ва умумлаштириш тизим методологияси ядроси бўлиб тизим классификацияси ҳисобланади.

## **2.2. Тизим классификацияси**

**Тизим классификацияси.** Дунё тизимининг қисмлари турли тизим классификация белгилари бўлиб саналади. Классификация деб, тадқиқотчини қизиқтирадиган хусусиятларига кўра тадқиқот объектини ўрганадиган илмий услубларга айтилади. Келиб чиқиш белгиларига доимий алоқада бўлган тизимларда фарқланади.

**Тизимлар олами** – бу материянинг умумий хусусияти, мавжудликнинг бир шакли. Тизим асосида шаклланганлиги дунёда инсон англаш орқали амалий фаолиятини амалга оширади. Ушбу фаолиятнинг тизимсизлиги, айниқса инсоннинг атроф-муҳит билан бўлган алоқаларининг тизимсизлиги кўплаб муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Қуйидаги чизмада тизимлар олами ва оламда инсон фаолиятининг тизимини кўрсатади.



“Ньютоннинг концепцияси бўйича, бутун борлиқ майдада қисмлардан ташкил топган бўлиб, ўзаро боғлиқдир. Дунёда содир бўладиган барча нарса ва воқеликларни олдиндан англаб, уларни билиб, мақсадга мос равишида ўзгартирса бўлади, деб ўйлаган Ньютон. Даставвал сайёralар ҳаракатини илмий асосда кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйган бу ғоя инсониятнинг икки юз йиллик ҳаётига жуда катта таъсир этиб, жамият ва одамларни табиатдан ташқарига чиқариб қўйди. Инсон табиатга четдан туриб қарайдиган бўлиб, унинг ҳукмдорига айланиб қолди. Бу позицияда механик дунёга четдан қараган ҳолда ёндашиб, уни ўзимизга бўйсўндиromoқчи бўлдик. Натижада, тирик коинотнинг ажралмас аъзоси бўла туриб, ўзимизни ундан ажратдик. Инсониятни табиатдан инсон руҳини танасидан, ақл-шуурини ҳиссиётидан бегона қилиб ажратиб ташланди. Шу туфайли инсоният икки юз йил давомида қарама-қаршилик кайфиятида яшаб келди. Бу қарама-қаршиликларни фақат куч билан бартараф этиш мумкин, деган фикрга ишонган ҳолда коинотда етим (ожиз) бўлиб қолдик. Ўзини ёлғиз ҳис қилган одам доимо қўрқувда ҳаёт кечиради. Қўрқув эса имонсизлик белгисидир. Қўрқувни фақат билим енгади ва киши имонини мустаҳкамлайди.

Ҳамма нарсадан қўрқиб яшайдиган ожиз одамлар, ўзларининг тинчлигини кафолатлаш мақсадида тинмай дунё йигадилар ва қуролланадилар. Бу фикрга мустаҳкам турганлар ҳали ҳам жуда кўп. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое кетади, бу билан уларнинг дили таскин топиб, тинчлиги кафолатланмайди”.<sup>28</sup>

Аждодларимиз табиат ва коинот сирларини ўрганиш, инсон фаолияти ва ҳаёти табиат билан гармонияда мавжудлигини таъминлаш фалсафасини эгаллашга интилишлари ҳайратга солади. Мустақиллик йилларида маънавий меросимизни ўрганиш асносида қадимий таълимотларимизда инсон, жамият ва табиат муносабатларининг яхлит ҳамда ўзаро боғлиқ ҳодисалар моҳияти очиб берилганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ана шундай миллий руҳиятимизнинг маънавий ва ахлоқий манбаси бўлиб келаётган куч – «Авесто»дир. Мазкур тарихий асарда, инсоннинг шу даврда табиатга, сувларга, боғу-роғларга муносабати, таълим-тарбия, инсоннинг ахлоқий комиллиги, маърифий етуклиги, руҳий соғломлиги масалалари устувор қўйилади. Тизимлар олами таълимоти “Авесто” асарида осмон-ер-инсон уйғунлиги фалсафаси мантифи билан боғлиқ қонуниятлар сирини англаш унга мувофиқ ижтимоий муносабатлар яратилганлигини кузатамиз. Жумладан, тарбия - ҳаётнинг энг муҳим тиргачи (таянчи) бўлиб ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилисин. Болалар ёш пайтиданоқ дарахт кўчати

<sup>28</sup>Тожиев М,Зиёмуҳаммадов Б Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига тадбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни.Т.:”MUMTOZ SO’Z”,2010й, 32-33-б.

үтқазиш, уй-рўзғор қуролларини ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт. Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган (заминни) мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи тўғрисидаги ғоялар табиат билан инсон ўртасидаги гармонияни ифода қиласди<sup>29</sup>. Инсоннинг атроф-муҳитни билиши умумий тузилишига ва босқичларига турлича ёндашишлар билан таълим жараёнларини қуриш мантигини белгилаб беради.

Оlam яхлитлиги масалалари ўрганган мутафаккир Мұҳаммад ал-Хоразмий бўлиб ҳисобланади. Мұҳаммад ал-Хоразмий (IX аср) билиш назарияси ривожланишига катта ҳиссасини қўшган. У биринчи бўлиб коинот объектларининг ҳаракатлари ҳамда ердаги нукталарининг жойлашишини жадвал кўринишида акс эттириб, тажриба-кузатиш ва тадқиқотлар методларини илмий жиҳатдан асослаб берди. Ягоналикнинг бирлиги тамоили, шунингдек, алоҳида ва умумий, индукция ва дедукцияларнинг моҳиятини аниқлаштириди; математик масалаларни ечишнинг алгоритмик методини ишлаб чиқди. Бу методдан бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Абу Наср Форобий (X аср) ўзидан олдинги алломалар ғояларини ўрганишни давом эттиради. Унингча бирор нарсанни билишга интилган инсон аввало унинг маълум ҳолатини ўрганади, ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларга йўналтиради. Аллома фанлар классификацияси, шунингдек, билиш фаолиятини ташкил этишга оид тавсияларни ишлаб чиқади. Яхши назариётчи бўлиш учун дейди, - Абу Наср Форобий, - қайси фан билан шуғулланишидан қатъий назар қуидаги учта шартга амал қилиш керак:

- 1.Фан асосида ётувчи барча тамоилларни яхши билиши;
- 2.Ушбу тамоил ва маълумотлар асосида зарур хулосани чиқариши, яъни, мулоҳаза юритиш қоидаларини билиши керак;
- 3.Хато назарияларни исботлаб бериш ва бошқа муаллифлар фикрларини таҳлил қилишни, шунингдек, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш ва хатони тузатишни билиши зарур, дейди. Бундай таълимотлар бугунги кунда тизимли таҳлилнинг назарий асосларини чуқурроқ тушунишга хизмат қиласди.

Абу Наср Форобий бобомиз кишилик жамиятини ривожлантиришда инсон омили билан боғлиқ педагогик тизим қонуниятлари ҳақида улкан меърос қолдиради. Унинг фалсафий қарашлар орқали таълим-тарбияга оид фикрларини илғаш мумкин. У ўзининг "Ақл ҳақида рисола", "Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак", "Субстация ҳақида", "Фалсафа манбалари", "Логикага кириш", "Идеал жамоа ҳақида", "Бахт-саодатга эришув тўғрисида" каби машҳур асарлари мавжуд.

Асарларда бош ғоя инсон салоҳияти ва унинг қобилияtlари жамият тизимини вужудга келтирувчи етакчи омил сифатидаги қарашларида намоён бўлади. У икки нарсанни инсон ақлига хос дейди:

- 1) Табиатдан олинган табиий жумбоқлар.
- 2) Таълим-тарбия натижасида эришилган иродада ва истакка мос

<sup>29</sup> Отамуродов С. «Авесто» миллий ғоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув. № 2. 2002. Б-34.

интилиш.

Демак, унингча педагогика, бу-муайян йўналишда мураббий, ўқитувчи раҳбарлигида тарбияланувчи шахснинг ирода ва интилишларини бошқариш санъатидир. У бу фикрини ривожлантириб, таълим-тарбия ёш авлод шахсини шакллантиришнинг воситаси эканлигини таъкидлайди ва уларнинг вазифаларини кўрсатиб беради. Унингча, таълим фалсафа ва назарий билим асосларини эгаллаш демакдир. Тарбия - ўқитувчи, педагог, мураббийнинг ёш авлодга муайян ахлоқий хулқ-автор нормаларини шакллантириш ва социал тажрибани ўзлаштиришга қаратилган амалий кўникмаларини шакллантириш фаолиятидир.

Муаллиф анализ ва синтез, дедукция ва индукция услубларини шарҳлаб берди. Унингча, анализ ёрдамида бўлакларга ажратилган предметларни синтез ёрдамида ўрганиш лозим. Индуктив услубда анализ ёрдамида алоҳида нарсалар, фактлардан умумийликка қараб борилади, дедуктивда эса синтез йўли билан умумийликдан хусусийликка ўтилади. У асосий таълим услуби деб ишонтиришни кўрсатади. Улгурувчилар учун ёки ўзлаштирувчилар учун эса кўргазмалилик воситасида бу метод қўлланилади. Унинг ишонтириш услуби ҳозирги сұхбат, ҳикоя ва маъruzаларни ўз ичига оладиган оғзаки услубларга мос келади. Бундан ташқари Форобий педагогик фикрларидан ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги фикрларни ҳам илғаймиз. Унингча, ўқитувчи жуда ҳам қаттиққўл ёки жуда юмшоқ кўнгил бўлмаслиги керак. Қаттиққўллик ўқувчиларни унга қарши қаратади. Ортиқча оқ кўнгиллик, юмшоқлик устоз шахсини, унинг фанини ҳурмат қилмасликка олиб келади. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари ҳамиша ҳурмат ва ишончга асосланган бўлиши лозим<sup>30</sup>.

Бола тарбияси борасида муҳим манбалардан бири бу Кайковуснинг «Қобуснома» асаридир. Бу асарни баъзан Шарқ педагогикасининг қомуси деб бежиз айтишмайди. Мазкур асарда таҳсил берувчи ва таҳсил оловчи тоифалар маълум бир тизим турларига ажратилганлиги муҳим методологик ёндашув сифатида диққатга моликдир. Жумладан:

1. Улар билур ва билғонини билур. Ул олимлардур, унга тобе бўлмоқ керак.
2. Билмас ва билмағонин билур, ул қобулдир, унга ўргатмоқ керак.
3. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадир, уни бедор қилмоқ керакдур.
4. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, у жоҳилдир, ундан қочмоқ керак<sup>31</sup>.

Мазкур асардаги қарапшлар таълим-тарбия оловчиларнинг таснифи келтирладики, у бугунги таълимнинг босқичма-босқич турли йўналишларда, қобилият ва иқтидорга қараб шакллантирилишини билдиради.

Таълим-тарбия соҳасида улкан мерос қолдирган яна бир аллома Ибн Сино фақат ҳаким эмас, балки буюк муаллим сифатида ҳам боланинг

<sup>30</sup> Ахророва З. Жадид педагогика асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2004. 7-бет.

<sup>31</sup> Кайковус «Қобуснома». Т. «Ўқитувчи», 2006, 50-бет.

табиатини тарбилаш сирларини чуқур ўрганган. У "Етти санъат" системасидан фарқ қилиб, ўкув предметлари қаторига одоб, астрономия, медицина, мантиқ, фалсафа, табиатшунослик, тил ва фиқҳларни киритади. Унинг таълим-тарбия системаси қуидагилрни ўз ичига олади:

1. Ақлий тарбия.
2. Эстетик тарбия.
3. Жисмоний тарбия.
4. Ахлоқий тарбия.
5. Ҳунар ўргатиш.

Ибн Сино асосий эътиборни болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялашга қаратди. Ўзининг "Манзил тадбири" асарининг алоҳида бўлимини "Болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш" деб атади. Унингча, мактабда болаларни жамоа қилиб ўргатишнинг аҳамиятини қуидагича кўрсатади:

1) Агар болалар биргаликда таълим олсалар, уларда зерикиш бўлмайди. Уларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқиши кучаяди. Болалар бир-бирларидан орқада қолмаслик учун мусобақалашади. Бу эса боланинг ўқишини яхшилайди.

2) Суҳбатларда улар бир-бирларига китобларда ўқиган ёки катталардан эшитган қизиқарли ҳикояларни айтиб берадилар. Бу уларнинг нутқини ўстиради ва хотирасини мустаҳкамлайди.

3) Болалар бир-бирларини ҳурмат қилишга ҳам бир жойга тўпланишганда яхши ўрганишади. Фақат мусобақалашиш эмас, ўртоқларига ўқув материалларини ўзлаштиришга кўмаклашадилар, бир-биридан яхши одатларни ўрганадилар.<sup>32</sup>

Абу Али ибн Синонинг билиш назариясида сабаб ҳақидаги таълимот алоҳида ўрин олади. У сабабларни аниқ, сезиш асосида англанадиган ва яширин, ташқи ҳолатларини таҳлил этиш асосида тушуниладиган сабабларга ажратади ва ҳодисанинг моҳияти унинг юзага келиш сабабларини аниқлаш йўли билан англаниши мумкин деб ҳисоблайди. Аллома ушбу гносеологик қоидани ўзининг табиблик амалиёти, қасалликларни уларнинг симптомлари бўйича ва дорилар таъсирини кузатиш асосида аниқлаган.

IX-XII аср Ўрта Осиё педагогик фикрлар тараққиётида Абу Райхон Берунийнинг ҳам ўз ўрни бор. Берунийнинг педагогик қарашлари унинг фалсафий, психологик қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир. У бу ҳақда алоҳида асар ёзмаган бўлсада, бу соҳадаги ғоялар унинг барча асарларида ўз аксини топган. Унинг таълим тарбия ҳақидаги фикрларини қуидаги босқичларда ўрганиш мумкин: 1) Таълимнинг онглилиги; 2) кўргазмалилик, 3) системалик ва изчиллик, 4) асосланганлик, 5) назариянинг практика билан боғлиқлиги, 6) дарслик олдига қўйиладиган талаблар.

Абу Райхон Беруний Беруний билишни узлуксиз, тўхтовсиз давом этадиган жараён сифатида тушунади. Алломанинг фикрича, инсоният борлиқнинг ҳақиқий моҳияти, ҳозирча номаълум бўлган жиҳатларини

<sup>32</sup> Ахророва З. Жадид педагогика асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2004. 7-8-бет.

келажакда билиб олади.

Берунийнинг таъкидлашича, таълимда кўрсатмалилик муҳимdir. Чунки у таълимни ишончли, аниқ ва қизиқарли қилади, кишининг кузатиш қобилиятини ва тафаккурини ривожлантиради. Муаллифнинг фикрича таълим илмий асосга қурилиши керак. У "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида аниқ бўлмаган фактларни аниqlамасдан хабар қилишдан, шубҳасиз тўғри бўлган шубҳаларни, маълумга номаълумни аралаштирмасдан сақланиш кераклигини айтади.

Юсуф Ҳожиб «Қутадғу-билиг» асари<sup>33</sup>, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари<sup>34</sup>, Ж. Румий қарашлари<sup>35</sup>, Амир Темурнинг “Темур Тузуклари”, Бобурнинг “Боборунома” асарлари А.Навоийнинг сўнги асарларидан ‘Маҳбуб ул Кулуб”, кейинчалик Бедил, Давоний, Кошифий ва кўплаб мутаффакир адилларнинг қарашларида олам, борлик, инсон ва унинг маънавий олами, комиллик тарбияси масалалари борасида чукур ғояларни берадики, бу ғоялар инсоннинг маънавий қиёфасини белгиловчи улкан қадриятлар сирасига киради.

XVII-XVIII асрларга келиб, Моварауннахрда янги бир илмий-маърифий даврни вужудга келганлигига гувоҳ бўламиз. Шулар жумласидан, Давонийнинг энг йирик рисоласи «Ахлоқи жалолий», Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг 8 бобдан иборат дидактек “Гулистон” асари, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқий Муҳсиний”, Муҳаммад ибн Сулаймон Жузулийнинг “Далойиул-ҳайрат”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдатул-ҳикоят”, Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамил Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоे” асари муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-тарбиявий ғоялар илгари сурилганлигини кузатамиз. Унда инсоннинг маънавий дўнёси, фазилати ва нафис хулқ-атвор сифатлари меъзонлари ўз ифодасини топганганки, комил шахс таснифлари маълум бир таълимот сифатида шаклланган.

Маълумки, XIX асрга келиб Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати оммавий тус олади. Жадидчилар ижтимоий тизимни ўзgartириш вазифаларини, аввало, маънавият соҳасини ривожлантириш орқали амалга оширишга эътибор қаратадилар. Бунинг учун улар янги усуздаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр этишни, ғарбнинг янги маданият ва технология услугиятларини ўрганиш заруриятини, уни Туркистонда тарғиб этиш орқали миллий - дунёвий таълимни юзага келтиришни, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш, миллий ўзликни англашни юксалтиришга ва уни ягона бир тизимга солиш лозимлигини асослашга интилганлар. Улар жамият тараққиётининг асосини таълим-тарбия белгилайди, деган тўғри фикрга келади

Бундай қадриятларни маънавий мерос сифатида асрраб-авайлаш, келгуси авлодларга таълим орқали сингдириш муаммолари билан А.Авлоний<sup>36</sup>, М.Абдурашидхонов<sup>37</sup>, М.Беҳбудий ва бошқа кўплаб

<sup>33</sup> Юсуф Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т., Фан, 1971. Б. 649-651.

<sup>34</sup> Низомулмулк Сиёсатнома. -Т.: 1997. Б-75

<sup>35</sup> Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. -Т.: Ёзувчи, 1997. Б-51

<sup>36</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 1998.

миллатпарварлар асарларида ўз ифодасини топган. М.Беҳбудий педагогика масалаларига ижодий ёндашди. У мураббий-педагог сифатида бола табиатини чукур ўрганди, ўз ўқув дастурларига болага ҳар томонлама пухта билим берувчи илмларни киритди. Ўқув предметлари қаторидан одоб, жуғрофия, табиатшунослик, тил, фиқх, ҳандаса ва бир қанча замонавий билимлар ўрин олди. Унинг таълим-тарбия системаси қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) Ақлий тарбия. 2) Ахлоқий тарбия. 3) Диний тарбия. 4) Эстетик тарбия. 5) Ҳуқуқий тарбия<sup>38</sup>.

М.Беҳбудийнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини қўйидаги босқичларда ўрганиш мумкин:

1. Таълимнинг онглилиги;
2. Кўргазмалилик;
3. Тизимлилик ва изчиллик;
4. Асосланганлик;
5. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги.<sup>39</sup>

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг улкан ва беқиёс мероси мавжуд. У бугунги кунда замонавий тизимли таҳлилнинг илмий ва амалий бойликларини ташкил этади. Аммо, тарихий-маънавий меросимиз ижтимоий фанлар предмети таркибига киритилган эмас. Фақат улар ҳақида баёний маълумотлар билан чекланиб, маърифий асарларнинг тулиқ моҳияти таълим-тарбия тизим методологиясига таркибига айланмаган. Зоро, таълим – тарбия жараёнларини мукаммал бошқариш, тарбиявий услубларни уйғунлаштириш, миллий қадриятларни ёшлар онгига сингиришнинг самарали технологияларини такомиллаштириш орқали тизимли таҳлил назарияларини тадбиқ этиш ва самарадорликка эришиш мумкин бўлади

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Качала В.В. Основы теории систем и системного анализа. Учебное пособие для вузов. М.: Горячая линия – Телеком, 2007. 216 с.
2. Лернер А.Я. Начала кибернетики. — М.: Наука, 1967. — 400 с
3. Мантуров О.В. и др. Толковый словарь математических терминов. — М.: Просвещение, 1965. — 539 с.
4. Перегудов Ф.И., Тарасенко Ф.П. Введение в системный анализ. — М Высш. шк., 1989. — 367 с.
5. Эшби У.Р. Введение в кибернетику. — М.: Изд-во иностранной литературы. 1959 — 432 с
6. Берталанфи Л. Общая теория систем: Критический обзор // Исследования по общей теории систем. — М.: Прогресс, 1969. — С. 23-82.
7. Волкова В.Н. Концепции современного естествознания: Учебное пособие. — СПб.: Изд-во Политехи, ун-та, 2006. — 200 с.

<sup>37</sup> Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Танланган асарлар. Т.: Маънавият. 2001.

<sup>38</sup> Беҳбудий М. Китобат ул-атфол.-Самарқанд: Типография Г.И.Демурова. 1908 йил, 27-бет.

<sup>39</sup> Ахророва З. Жадид педагогика асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2004. 11-12-бетлар.

8. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. – Т., Шарқ, 2001.
9. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.: Фоғур Ғулом нашриёти, 1983.
- 10.Ахророва З. Жадид педагогика асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2004.
- 11.Амир Темур тузуклари. –Т.: Фоғур Ғулом нашриёти. 1996.
- 12.Низомулмулк Сиёсатнома. -Т.: 1997.
- 13.Отамуродов С. «Авесто» миллий ғоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув. № 2. 2002.
- 14.Парсонс Т. Система современных обществ. М., 1998.
- 15.Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. -Т.: Ёзувчи, 1997. Б-51
- 16.Мақомат-и саййид Амир Кулол. Кўлёзма. ЎзФА ШИ. № 8667.в.103 а-б.
- 17.Тожиев М,Зиёмуҳаммадов Б Миллий педагогик технологияни таълимтарбия жараёнига тадбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни.Т.:”MUMTOZ SO’Z”,2010
- 18.Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф.-Т.:Янги аср авлоди, 2002.
- 19.Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т:, Фан, 1971. Б. 649-651.
- 20.Қобуснома. Т. «Ўқитувчи», 2006
- 21.Ғаззолий З.М. Кимиёи саодат. -Т.: Камалак, 1994,

### **3-мавзу. Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили.**

#### **Режса:**

- 3.1. Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили.**
- 3.2. Тизимли таҳлил принциплари.**

**Таянч сўз ва иборалар:** педагогик тизим, биологик, экологик, иқтисодий ва сиёсий тизимлар, тизим хусусияти, субъективлик ва объективликнинг органик яхлитлик тамойили, тузилмавийлик, динамиклик, фанлараро алоқадорлик, шаклланганлик ва шаклланмаганликнинг органик яхлитлиги, Оптнер модели, Квейд модели, Янг модели, SR модели, Голубков модели.

#### **3.1.Педагогик тизим ва унинг хоссалари.**

Педагогик тизим ва унинг тузилиши ҳақида муносабат билдиришдан

олдин, педагогик тизим ижтимоий тизимнинг тизимостиси сифатида амал қилишини кўрсатиб ўтиш лозим. Ижтимоий тизим эса, жамият, аникроғи иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий каби тизимости сифатида жамият тизими билан алоқадордир. Аслида, жамият гиперижтимоий тизим сифатида, бир қатор тизимостилардан (тагтизимлардан) таркиб топган. Бизнингча, ҳар бир тагтизимни институтционал ёндашув тарзида муҳокама этиш гиперижтимоий тизимнинг ҳарактерини белгилаб олиш имкониятини яратади. Жамият **демографик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маърифий, маънавий** каби тизимостилардан таркиб топган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзаро боғлиқликда, ўзаро ҳамкорликда амал қилиб келади, бунда давлатнинг вазифаси улар орасидаги мувозанатни ушлаб туришдан иборатдир. Бунинг учун эса, давлат мавжуд ресурслардан фойдаланади, бундан кўзланган мақсад жамият ҳаётини таъминлаб, барқарорликка эришишдан иборат. Мисол тариқасида, **демографик тагтизимни** олсак, бу масаланинг жамият учун қанчалик мухимлигини англаш учун, муқаддас китобларда оила қуриш, фарзанд тарбиялаш, эр-хотинлик вазифаси ва мажбуриятлари, ота ва оналик вазифалари, фарзандлик бурчи каби масалаларга оид нозил бўлган ғоялarda ўз ифодасини топганлигининг ўзи кифоядир<sup>40</sup>. Бу масалани илмий жиҳатдан Т. Мальтус ўзининг “Опыт о народонаселении” деб номланган асарида, аҳолининг ўсиши геометрик прогресс тарзида ўсиб, унинг таъминланиши учун зарур бўлган озиқ-овқат эса (яхши ҳолда) арифметик прогресс тарзида ўсишини аниқлаб, табиий кўпайишни орқага суриш, тўхтатиш лозимлигини кўрсатиб ўтган.

Демографик тагтизим оилалар, ҳудудий ва этник, ёш ва касбий каби бирликлар ва институтлардан таркиб топган бўлиб, аҳолининг ўсишини таъминлайди. Бунда ҳарбий низолар, касалликлар, табиий ва техноген офатлар, ижтимоий-иқтисодий инқирозлар ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики, барча омиллар ва вазиятлар тизимли таҳлилни амалга оширишда инобатга олинади. Шу сабабли, тизимли таҳлил мураккаб илмий билимлар мажмуасидан иборат бўлган, алоҳида йўналишларга ажратилган, ўзининг тамойиллари, услублари ва техникаси ((techne) – санъат, маҳорат) эга бўлган ва бугунги кунда ихтисослашиб бораётган фаолият турига айланмоқда. Ва айни пайтда нафақат педагогик амалиёт доирасида, балки турли соҳаларнинг ривожланишига амалий таъсир кўрсатиб келаётган таҳлил тури ҳисобланади.

Гарчи, кўп қамровлиги ва хусусийлиги жиҳатидан амалиётда қўлланилиши мураккаб бўлса-да<sup>41</sup>, педагогик тизим доирасида тизимли таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тизимли таҳлил мураккаб илмий билимлар тизимидан иборат, алоҳида йўналишларга ажратилган, ўзининг обьекти, предмети, тамойиллари, услублари ва техникасига эга, ихтисослашиб бораётган таҳлил тури ҳисобланади. Гоҳида тизим (унинг тизимостилари мавжуд) ва тизимли таҳлил орасидаги тафовутни ажратиш қийин. Тизимли таҳлил, бу таҳлил турларидан бири ҳисбланиб, бир қатор

<sup>40</sup> Қаранг: Ислом энциклопедия. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

<sup>41</sup> Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Кварт», 2002.

кулайликларга эга. Бу қулайликларни тизимли таҳлилнинг асосий қисмлари ва амал қилиниши шарт бўлган тамойилларида ҳам кузатиш мумкин.

Тизимли таҳлил, педагогик соҳада мавжуд объектив ва субъектив характерга эга бўлган муаммоларни аниқлаш билан бирга, уларни келиб чиқиши сабабини белгилаб, уларни бартараф этиш (ечиш) усул ва воситаларини ажратиб олиш имкониятини беради. Шу боис, тизимли таҳлилни амалга оширишда, муаммони қўйидаги белгилари асосида гурухларга ажратиш тавсия этилади:

**Тизимли таҳлил этилиши лозим бўлган муаммони (соҳа/объектни) ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, экологик, тиббий, ҳуқуқий, касбий кабиларга ажратиш лозим.**

**Назарий жиҳатдан тааллуқлилиги бўйича фан соҳасига, яъни фалсафий, тарихий, иқтисодий, психологияк, педагогик, социологияк, биологияк, экологик, ҳуқуқий, техник, тиббий кабиларга ажратиш лозим.**

**Тизимли таҳлилни амалга ошириш давомида қўлланиладиган услуг(восита)ларни** муаммонинг характеристидан (таҳлил предметидан) келиб чиқсан ҳолда танлаб, улар бир бирини тўлдириши, аниқ принциплар асосида қўлланилиши лозим.

Педагогик тизим доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун фақатгина таҳлил турлари ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиш, уларни қўллай билишнинг ўзи кифоя эмас. Агарда ижтимоий соҳада турли таҳдид ва хавфларни намоён бўлаётганлигини инобатга олсак, жамият доирасида бугунги кунда тизимли таълим-тарбия маърифат ва маънавият соҳаларида миллий манфаатларимизни ҳимоялаш учун қулай ҳисобланиб, уни жорий этиш технологиясига эга бўлишни тақозо этади. Тизимли таълим-тарбия деганда, доимий тарзда такомиллашиб борадиган, таълим олувчи шахсининг жисмоний, маънавий ва психологик ривожланиши учун яратилган механизмни ишчанлигини, яъни замон талабига жавоб бералишини назарда тутиш лозим.

Шу сабабли, педагогик тизим доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун муаммо тўғри танлангандан сўнг, педагогик жараённинг **муҳим элементлари** (таълимнинг мақсади, таълимий ахборотнинг мазмуни, таълим бериш усуллари, таълим берувчи, таълим олувчи) орасидаги алоқадорлик структуравий жиҳатдан эмас, балки функционаллик даражаси бўйича алоҳида инобатга олиниши лозим. Шундагина, таҳлил натижаси бўйича хулоса ва тавсиялар мажмуавий тарзда ишлаб чиқилиши таъминланиб, кейинчалик тайёрланадиган қарорлар вариантидан мақбулини танлаш ва жорий этиш мазмунли кечиши таъминланади.

Бу назарий таснифлар педагогик амалиёт учун биринчидан, таълим муассасаининг фаолиятни такомиллаштириш учун хизмат қиласи, иккинчидан, педагогик фаолиятни режалаштириш, бошқариш ва такомиллаштиришини таъминлайди, учинчидан, педагогик жамоа ва талabalар жамоасини ягона мақсад атрофида жамлаш ва йўналтириш жараёнини оптималлаштириш учун хизмат қиласи. Шу сабабли, педагогик тизим тушунчасига қуйидагича муаллифлик тарифини келтирамиз:

*Педагогик тизим, бу ягона маърифий мақсад сари, аниқроғи инсоннинг камолотини таъминлаши учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, тақомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир хосса ўзгарса, албатта, иккинчи хосса ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик ҳамкорлик, педагогик мавжудлик (реал амалиёт), таълимий манбалар ва б.) иборат бўлган мажмуя(яхлитлик)дир. Ўз навбатида, ҳар бир тизимости тизимли таҳлилни амалга оширишни тақозо этса, тизим сифатида, яъни муҳитдан – тизими алоқадорликдан айри ҳолда ўрганилиши мумкин. Масалан, педагогик жараён тизим сифатида ўрганилиши мумкин. Унинг тизимостилари сифатида профессор–ўқитувчи шахси, таълим мақсади, таълим олувчилар шахси, таълимий манбалар (ахборот) ва таълимий воситалар танланиши мумкин. Мазкур масалани тизимли таҳлилини амалга оширишда функционал ёки структуравий тарзда ёндашиш мумкин. Аммо, таълим тизимини тақомиллашувини таъминлаш мақсадида унга функционал ёндашилган маъқулдир. Бунда, ҳар бир тизимостини вазифалари белгилаб олиниши лозим бўлади, уларни бажарилишини баҳолаш мезони танланиши лозим бўлади. Натижада, жорий ва истакли моделлар орасидаги тафовутларни белгилаш учун, тизимли таҳлил усуслари танланиши лозим бўлади.*

Тизимли таҳлилни амалга оширишда маълум (белгилаб қўйилган) қоидаларга амал қилиш лозим бўлади. Бас шундай экан, тизимли таҳлилнинг асосий принципларини қўриб чиқамиз.

• **тизимли таҳлилда субъективлик ва объективликнинг органик яхлитлик тамойили.** Тизимли таҳлилнинг муҳим методологик тамойилларининг бутун бир гуруҳини тизимли тадқиқотда субъективлик ва объективликнинг органик яхлитлик тамойили шакллантиради. Ушбу гурухга тизимли таҳлилда субъектив омиллар ролининг мавжудлиги бўйича фарқланувчи бир нечта бир-бирига яқин бўлган тизимлар ташкил этади.

Субъективлик ва объективликнинг “органик яхлитлик” тамойили таълим тарбияга оид бўлган илмий тадқиқотлар ва унинг субъектини ўзаро алоқаларига тегишли. Билиш, бошқариш субъекти ва обьекти ўзаро алоқалари концепцияси тизимларни тадқиқот обьекти ва билимни шакллантириш қуроли сифатида муаммони ҳал қилишга йўналтирилган бўлиб, бунда: “тизим → обьект” ва “субъект → тадқиқотчи”га хос бўлган фарқ ва ўхшашликларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Биринчи турдаги тизимни ўрганиш билан табиий ва ижтимоий фанлар шуғулланади. Иккинчи турдаги тизимлар билиш, бошқариш ҳамда инсон фаолиятининг бошқа турларидан иборат бўлганлиги сабабли фалсафа, авваламбор, гнесеология, педагогика, психология ва социология ҳамда математика ва мантиқнинг ўрганиш обьекти қаторига киради.

Аслида, тизимли таҳлилга обьект ва субъектнинг қатъий чегараланишини талаб қиласидиган “S (субъект) – O (обьект)” муносабатлари фанга анъанавий бўлган аниқ модификация характеристига эгадир. Тизимли таҳлил (таҳлил тури сифатида) нафақат аниқ бир обьектни ўрганиш билан

чегараланади, балки у билан алоқадор бўлган муаммони ҳам ўрганади. Яъни, охирги вазифа ушбу обьект билан самарали алоқадорликни таъминлашдан иборатдир. Шу маънода, тизимли таҳлил ўзининг мақсадига қўра, бир вақтнинг ўзида анъанавий илмий тадқиқотдан ҳам тор ва кенг туюлади. Кенглиги шу маънодаки, энди ким ушбу обьект билан ўзаро алоқа қиласиди ва қандай ўзаро алоқадорлик мавжудлигига таяниш лозим бўлади. Торлиги эса, режалаштирилаётган ўзаро алоқадорликни муҳим бўлган обьект харакатларини кетма-кетлигини ўрганиш билан чегараланади.

Тизимли таҳлил яхлитлиги инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти билан боғлиқ тарзда таъминланадиган катта тизимлар билан шуғулланади. Ушбу категорияга ҳам турли даражадаги техник, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ташкилий тизимлар ҳам киради. Уларнинг ҳар бирида обьектли томон билан бирга конструкторларнинг мақсадли установкаларини, мотивлар манфаатларини, диди ва билимини предметлаштириш ҳолатлари кузатилади. Мазкур тизимлар характерини таҳлил қилишда ушбу турли таркибий қисмларни ажратса билмоқ талаб этилади. Биринчи таркибий қисм тизим билан ҳамкорлик қилиш ва уни бошқаришнинг реал чеграсини белгилайди, иккинчиси эса олдингиси ўзининг аҳамиятини йўқотса ёки янги билим ва технологияларга асосланган бошқариш стратегияси пайдо бўлган тақдирда ўзгариши мумкин. Тизимли тадқиқотда объективлик ва субъективликнинг органик яхлитлиги ҳақида сўз юритганда, субъективлик фақат ушбу таҳлил чеграсида айни бир тизимнинг турлича намоён бўлишини ифодаловчи алоҳида обьектлар доирасини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Объект билан ўзаро ҳамкорлик ва юзага келган муаммо мутлақо объектив бўлгани каби, тизим характерини олдиндан белгилаб берувчи инсонлар хулқ-атвори ҳақида муносабат билдириш ҳам жоиз. Ҳар бир аниқ вақт учун баъзи тизим тузилишида мужассамлашган мақсад ва билимлар тўла объектив ҳисобланади.

**Тизимнинг тузилмавийлик тамойили.** Тизимли таҳлилнинг иккинчи муҳим методологик тамойиллар гуруҳи “тузулмавийлик” тушунчаси билан боғлиқ. Структуразациялаш муаммоси таълим-тарбияни тизимли тадқиқ этишда муҳим хусусиятга эга эканлиги билан ажralиб туради. Тузилма тизимга зарурый яхлитликни таъминлайди ва бошқа турдаги обьектлардан фарқловчи мустаҳкам характеристикасини белгилаб беради.

Тизимлар турлича бўлиши билан бирга, уларнинг тузилишлари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Тизимли таҳлилда иерархик турдаги тузилма билан боғлиқ ҳолда иш юритиш лозим. Ушбу ҳолат, бир томондан, иерархик тузулма бугунги кунда обьект хулқини операционал билимга айлантиришни энг мақбул ҳисобланган усули ҳисобланса, иккинчи томондан, тузилмалар оддийнинг ривожланиш шаклини қамраб олган ҳолда эволюцион тарзда мураккабга айланиш даврида табиий ҳолда пайдо бўлади. “Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига қўра, иерархикдир, чунки у тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодалайдиган, йирикроқ тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини кўзлади.

Тузилмавий таҳлил тизимли таҳлилнинг қуролларидан бири ҳисобланади. Хусусан, у функционал ўхшашлик тамойилига асосланган ҳолда қизиқиш уйготаётган тизимлар хулқ-атворини тадқиқ қилишга имконият яратади. Ушбу тамойилга қўра (бошқачасига “қора кути” тамойили), қайд қилинган тузилма нуқтаи назаридан тизимостиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, ҳар бирининг ташқи хулқ-атвори моҳиятли ҳисобланади. Бу борада ушбу хулқ-атворга қай йўсун билан эришиш аҳамият касб этмайди. Бир томондан, бу тизимдан тизимостига, улардан пастки поғонадаги тизимостиларга ва шу тариқа маълумотлар тизимини тушунгунга қадар зарур бўлганларга ўтишни таъминласа, бошқа тарафдан, тизимни олдин “орт масала”ни ҳал қилган ҳолда тадқиқ қилишни, яъни реал тизимостилардан зарур ташқи жиҳатга эга бўлган шундай тизимостига мувофиқлаштириб, реал обьект каби тизимнинг шундай модели билан тажриба ўtkазиш имкониятини яратади.

Функционал ўхшашлик ва назарий моделлаштириш тамойиллари билан кўникадиган, мослашувчан, ўз-ўзидан ташкил топадиган ва такомиллаштирадиган каби муҳим тизимлар синфини ўрганишда ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу тизимлар бошқаларидан шуниси билан фарқланадики, улар қўрилаётган муайян муаммоли ҳолатда ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорликда таркибий қисмлари вақт ўзгариши билан баъзи “таг тизимга” эга бўлиб, ўрганилаётган тизимости ўзаро ҳамкорликнинг бошланғич тузулмасини сақлаб қолишни кўзлаган ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим.

Тизимли таҳлилнинг обьектларини тасвирлашда тузилмавийлик тамойиллари обьектив ва субъективликнинг органик яхлитлиги тамойиллари билан узвий алоқада бўлади. Ҳеч қачон тизим сруктурасини ўзгармайдиган ва ягона сифатида кўриш керак эмас. Тизимли таҳлил кўпинча макон бўлинишининг бир хил тузулмалари билан иш кўрмай, балки шартсиз ҳолда макон локализациясига эга бўлмаган таркибларга эга ўзаро ҳамкорлик тузулмалари ёки функционал тузулмалари билан иш кўриши мумкин. Охиргилари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, ташқи ўзаро ҳамкорлик тузулмасидан ажralмаган ҳолда пайдо бўлиб, улар томонидан йўналтирилади. Шу маънода, тизимни структуризациялаш, тизим қўрилаётган муаммоли ҳолатга боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолат мақсадга йўналтирилган (кўникадиган, адаптив, ўз-ўзидан ташкил этиладиган ва таълим оладиган) ва мақсад қилинадиганлар ўртасида чегара қўйишга имконият яратади. Биринчи ҳолатда ташқи ўзаро ҳамкорликни структуразациялаш (кенгроқ тизимни) ташқаридан, иккинчиси эса қўрилаётган тизимнинг ичидан бошқарилади.

**Тизимли таҳлилнинг динамиклик тамойили.** Тизим ва унинг тузулишининг яхлитлиги вақт давомида тизимостилардан бирининг ўзгариб бошқаларига таъсир этганда яққол намоён бўлади. Вақт давомида турли тизимостиларнинг ҳолати ўзгармайди, балки уларнинг тузилмаси ҳам ўзгариш имкониятига эга бўлади. Бу ҳолат тизимда яна бир юқорироқ, тизим яхлитлигининг тузилиши турғунлигини таъминлаб берувчи иерархик поғона бирлигидан дарак беради. Бу, ҳамма ўзгаришлар обьектив томондан ўз-

ўзидан юз бериши билан бирга, кўрилаётган тизимга субъектнинг муносабати ўзгариши ёки “тизимнинг бошқаларга нисбатан ўзгарувчанлиги” туфайли пайдо бўлиши мумкин. Динамик ёндашув тизимларнинг вақт мобайнида ўзгаришини ёки тизимлар яхлитлигини ўрганиш учун ўзгаришлар муҳимлигини шундай шарҳлаш билан чегараланиб қолмайди. Бу ёндашув хулқи аниқ ҳолда ҳақиқатдан ҳам фақатгина унинг ривожланиш жараёнини кенгроқ маънода тушунишга кўмаклашадиган тизим морфогенезига муттасил равишда эътибор қаратишни шартлаб беради.

Тизимли таҳлил тизимнинг барча хусусиятларини кенг ўрганишни талаб қилиш билан бирга, аниқ тизим хулқ-авторини кузатиш мумкин бўлган тамойил чегараланган вақт бўлагига эътибор қаратади. Шундан келиб чиқиб, у яна бир кузатув методологик тамойилини илгари суради: тизимнинг хулқ-авторини кузатиш имкониятлари асосида келажакда таъсир кўрсатишда хулқ-авторни белгилаб олиш имкониятини берадиган ҳолатини аниқлаш мумкин бўлади.

**Тизимли таҳлилда фанлараро алоқадорлик тамойили.** Тизимли таҳлил кўпинча турли анъанавий фанлар доирасида ўрганиладиган тушунчаларни қўллаган ҳолда, тасвиранадиган мураккаб объектларни, масалан, таълим-тарбияни ўрганиш давомида фанлараро тамойилини татбиқ этиш мумкин. Анъанавий фанлар, одатда, тизимнинг қизиқтириладиган хулқини/ҳаракатини “лаборатория” шароитида ўрганиб, бошқа фанлар доирасида ўрганиладиган ҳодисаларга қўл урмайди. Тизимли объектларда ушбу чекланиш хос бўлмаслиги ҳам мумкин. Тизимга бирлашган актлар йиғиндиси бошланғич далилларни оддий қўйиб чиқилишидан келиб чиқмайдиган янги сифатни юзага келишига сабаб бўлади.

**Тизимли таҳлилда шаклланганлик ва шаклланмаганликнинг органик яхлитлик тамойили.** Шаклланганлик ва шаклланмаганликнинг органик ягоналиги тизимли таҳлилнинг муҳим методологик тамойили ҳисобланади. Одатда, тизимли таҳлилнинг фойдали тарафлари ҳақида гапирилганда биринчи навбатда, унинг юқори даражада шаклланганлиги эътиборга олинади. Тизимли таҳлилда маҳсус илмий билим поғонасида “субъектив” рол муҳим ҳисобланади,. Бу тизимли таҳлил жараёнини бошқариш вазафаларига киритилади ва ушбу ҳолатда куйидаги тамойилларга амал қилиш талаб этилади:

- тизимга нисбатан заарли бўлган омилларни аниқлаш ва таъсир даражасини камайтириш;
- тизим барқарорлигини инобатга олган ҳолда фаолиятни режалаштириш, бошқариш ва такомиллаштириш;
- фаолият субъективнинг жисмоний, маънавий ва психологик саломатлигини таъминлаш;
- қайта боғланиш, конверсия ва алоқага кириш;
- қарор қабул қилиш ва амалга жорий этиш учун масъулиятни белгилаш;
- барча омилларни инобатга олиш ва б.

### **3.3. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш.**

Ижтимоий муҳит доирасида ташкил қилинган қўпчилик бирламчи маълумотлар бу фақатгина хужжатлар оқимини ташкил этади. Хужжат оқимининг элементларини эса, алоҳида хужжатлар ташкил этади. Улар турли асослар бўйича таснифланиши мумкин. Хужжат, асосан, қуйидаги турларга ажратилади:

- даврийлиги бўйича;
- асосий матннинг таркиби бўйича;
- маълумотнинг мақсади бўйича;
- мурожаат характери бўйича;
- вазифаси бўйича.

Мазкур таснифланиш хужжат оқимидан ўз мутахассислиги-соҳасига дахлдор бўлганини ажратиб олиш учун хизмат қиласди. Муҳими, мутахассисни соҳа янгиликларидан хабардор бўлишини таъминлаб, жараённи динамикаси ҳақида аниқ тасаввур шакллантиради.

Шу аснода, таҳлил доирасида жамланадиган хабарларнинг сифатини белгиловчи мезонларга таяниш лозимки, бу ўз навбатида маълумотни ижтимоий аҳамиятлилик даражасини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий муносабатлар доирасида ахборот омили муҳим ролни эгаллаб, қатор вазифаларни бажаради. Бунда боғловчи, йўналтирувчи, маърифий, ғоявий, коммуникатив кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ахборот вазифаларини йўналтирилганлик жиҳатидан конструктив ва деструктив гуруҳларга ажратиш мумкин. Улар танланган обьектга нисбатан у ёки бу вазифани бажариши мумкин. Жамиятда ахборотга бўлган эҳтиёж долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун, Президентимиз Ислом Каримов “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгариgidек, ҳа, бу воеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётидан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас”<sup>42</sup>-деб, таъкидлаб ўтганлар.

Ахборот оқими ва сигими шу қадар кенгайиб бормоқдаки, уларнинг тез суръатларда тарқалишига ахборот технологияси ютуқларининг ижтимоий ҳаётимизга тадбиқ этилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Жамият равнақини таъминлаш нуқтаи назаридан, бундай катта ахборот омилини чеклаш, унинг кириб келишини олдини олиш ёки уларни тўлалигича таҳлилини амалга оширишни имконияти йўқ. Бунда ахборотни аниқ соҳага дахлдор бўлганлиги, шунчаки хабар етказувчилиги, аниқ доирага тааллуқлиги каби хусусиятларини мавжудлигини инобатга олиш лозимлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Агарда, жамиятда ахборот маданияти, яъни уни қабул қилиш, унга нисбатан муносабатда бўлиш, ундан фойдаланиш кабилар билан ташкилий-услубий муаммоларни мавжудлигини инобатга олсак, бу долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, тизимли таҳлилни амалга

<sup>42</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. 112 - бет.

оширишда ўлчов бирлигига эга бўлган услубларни қўллаш тавсия этилади.

Ўлчов услубларини қўллаш қатор қулайликларга эга бўлиб, муҳимлари қаторида сифат ва сон кўрсаткичлари орасидаги муносабатларни кўрсатиб ўтиш лозим бўлади. Агарда муносабатлар сон кўрсаткичлари билан таснифланаётган бўлса, бунда ўзгаришлар ҳам сон кўрсаткичидаги ифодаланишни тақозо этади. Ўлчашнинг мақсад ва моҳияти ҳам шу тарзда ифодаланиб, ўрганилаётган объектларнинг таснифини етказа олади. Объект таснифини ўлчаш мумкин, агарда: а) ўрганилаётган муаммо, кузатилаётган жараёнда ифодаланса; б) объектдаги ўзгаришларнинг ифодаланиши турли кўринишга эга бўлса.

Ўлчашда жараёнларнинг юзага келиши ва кечиши тавсифланиб, улчашнинг турли таърифлари мавжуд бўлиб, уни моҳиятини англаш учун тадбиқий сиёсатшуносликнинг асосий тамойилларига таяниш лозим бўлади. Ўлчаш бу, объект ёки ҳодисаларга белгиланган тартиб асосида миқдорлар берниш жараёнидир. Ўлчов ўзида учта муҳим унсурни, яъни: ўлчанилаётган жиҳат (dimension), амал қилинадиган қонуниятлар ҳамда бажариладиган тартибот ва тадрижий равища ўсиб ёки камайиб борувчи миқдорлар сирасини мужассамлаштиради. Ўлчанаётган жиҳат қайси хоссларни (таркибларни) ўлчашимиз лозимлигини кўрсатса, меъёр ва қонуниятлар эса, ўлчаш қандай амалга оширишининг шарт-шароитларини белгилаб беради. Тадрижий равища ўсиб ёки камайиб борувчи миқдорлар эса натижанинг ифодаланганилигини кўрсатади (балл, фоиз, сон каби тарзларда бўлиши мумкин). Ўлчов характеристери мана шу учта унсур орасидаги муносабатлар билан белгиланади. “Тизимли таҳлилнинг асосий қисмлари сифатида қўйидагилар ифодаланади:

- ахборот билан таъминлаш манбаи;
- ахборотнинг сифати;
- таҳлилий усул ва воситалар;
- таҳлилни амалга ошириш концепцияси;
- таҳлилни амалга ошириш учун услубий ва ахборий характеристерга эга бўлган манбалар билан таъминланганлиги;
- таҳлилни амалга ошириш мақсади;
- таҳлилий жараёнда қўлланиладиган техник воситалар ва ҳоказо”<sup>43</sup>.

Тизимли таҳлилни амалга ошириш жараёнида мақсаднинг синтезлашуви, ижтимоийлашуви, объективлашуви каби жараёнлар кечади. Бу, ўз навбатида қўйидаги тамойилларга амал қилишни тақозо этади. Булар:

- ҳар қандай ҳажм ва мазмундаги ахборотни мутахассис сифатида объектив баҳолаш;
- реал вазиятни (вақт, макон ва замон жиҳатидан) инобатга олиш;
- аниқ далилларга суянган ҳолда, илгари сурилган далил ва келтирилган рақамларни ишончлилигини таъминлаш;
- таҳлилнинг конструктивлиги;

<sup>43</sup> Саров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизимини такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 24-бет.

- таҳлилнинг босқичлилиги;
- таҳлилнинг тушунарлилиги;
- таҳлилни амалга оширишда аниқ метрик усулардан фойдаланиш;
- жамланган ахборотни яхлит тарзда шарҳлаш;
- манзилли тавсия ва таклифларни илгари суриси;
- қарор учун турли ечим вариантларини тузиш ва б.

Тизимли таҳлил турининг назарий моделини функционал-структуравий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, тадқиқотчи, тизимли таҳлилни амалга оширишда (ёки тизимли тадқиқотни моделлаштиришда) муҳим ҳисобланган шартларга амал қилиши талаб этилади. Булар:

- тизимнинг моҳиятини (тизимости хоссаларни алоқадорлик даражасини) англаши лозим;
- тизимни лойиҳалаш жараёнини (сабаб-оқибат боғлиқлигини) тўлиқ эгаллаши лозим;
- энтропия (тасодифий объектнинг мавҳум меъёрлари) ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим;
- муҳитдан (тизимсимон, тизимости таркиблар, мажмуалар қаторидан) тизимни ажратни билиши лозим;
- тизимни бирон бир сатҳини (стратасини) танлаб, уни амалий ўрганиши лозим.

Бу шартларни амалиётда қўллагандагина, тадқиқотчи тизим фаолиятини тизимнинг тузилишидан, тизимли таҳлил турини тизимли таҳлилни амалга ошириш усулларидан, тизимли ёндашувни тизимли шарҳлашдан вазифадорлиги жиҳатидан ажратибгина қолмасдан, муаммони (объектни) тизимли идрок этиш ва уни ечимини аниқлашда тизимли тафаккур юрита олишга мушарраф бўлади.

Тизимли таҳлилни амалга оширувчи (тадқиқотчи) ва амалиётчи(буортмачи)лар ўртасида муаммони моҳиятини тушуниш давомида зиддиятлар келиб чиқмаслиги учун олдиндан тизимнинг қайси сатҳи тадқиқ этилиши ҳамда қайси тушунчалар қўлланилиши белгилаб олиниши зарур. Мазкур тарздаги муносабат назарийтчи ва амалиётчилар орасида муаммони тушунишни, касбий мулоқот давомида қўлланиладиган у ёки бу тушунчани бир хил маъно ва мазмунларни қамраб олишини таъминлайди. Бу ўз навбатида касбий мулоқот, аникроғи самарали ҳамкорликка эришишни кафолатлади.

Тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган услублар қаторидан оммавийлашганлари сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

Оптнер услуби асосида, тизимли таҳлилни амалга оширишда қатъий белгиланган ўн учта тартиб асосида мақсадли ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади. Булар:

1. белгиларнинг идентификацияси;
2. муаммони долзарблигини белгилаш;
3. мақсадни шакллантириш;
4. тизимни “очиб”, уни нуқсон (иллат)ларини белгилаш;
5. мавжуд имкониятларни тузилишини белгилаш;

6. муқобилликни топиш;
7. муқобилликни баҳолаш;
8. муқобил вариантлардан бири танлаш;
9. муаммонинг ечимини тузиш;
10. ечим вариантини касбдошлар ва раҳбарият томонидан эътироф этилиши;
11. муаммони ечим жараёнини таъминлаш;
12. ечимни тадбиқ этиш жараёнини бошқариш;
13. тадбиқ этилган ечимни баҳолаш.

Квейд услуби Оптнер услубининг моделига қараганда нисбатан, содда ҳисобланса-да, бу модел амалийлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

1. вазифани белгилаб олиш – муаммони белгилаш, мақсадни шакллантириш ва вазифалар чегарасини ажратиб олишдан таркиб топган;
2. қидирув – мақсадга эриш учун ахборот жамлаш ва муқобил воситаларни қамраб олади;
3. изоҳлаш – модел тузиш ва ундан фойдаланиш;
4. жорий этиш – афзал ҳисобланган муқобилликларни фаоллаштириш ёки мақбул ҳаракат йўналишини танлаш;
5. тасдиқ – қарорни тажрибада синаш.

Янг услуби мавҳумроқ кўринишга эга. Гарчи, таркибий қисмлар кўп бўлсада. Лекин, аниқ функционаллиги жиҳатидан Оптнер ва Квейд услубларининг моделидан ажralиб туради.

1. ташкилотнинг мақсадини белгилаш;
2. ташкилотда мавжуд муаммоларни аниқлаш;
3. муаммони ўрганиш ва ташхис (диагноз) қўйиш;
4. муаммонинг ечимини излаш;
5. барча муқобил вариантлар ва танловларни мослигини баҳолаш;
6. ташкилот доирасида қарорни мослаштириш;
7. қарорни тасдиқлаш;
8. хулоса чиқаришга тайёргарлик қўриш;
9. қарор қабул қилиш жараёнини бошқариш;
10. қарорни самарадорлигини синаш.

Голубков услуби Янг услубининг моделидан, ихчамлиги жиҳатидан ажralиб турса-да, ундаги универсаллик тадқиқотчини қийин вазиятга туширади. Негаки, қайси асосга таянган ҳолда вазифаларни белгилаш очик қолган.

1. вазифаларни белгилаш;
2. тадқиқ этиш;
3. таҳлил;
4. олдиндан мулоҳаза юритиш;
5. тасдиқ;
6. сўнги маротаба мухокама қилиш;
7. қабул қилинган қарорни тадбиқ этиш.

Черняк услуби Янг, Оптнер ва Квейд услубларининг моделидан хусусийлиги жиҳатидан ажralиб туради. Бу модел воситасида тизимли

таҳлилни амалга оширувчи мутахассис юқори натижаларга эришиши мүмкін, агарда метрик усуллардан фойдалана олса.

1. муаммони таҳлилини амалга ошириш;
2. тизимни белгилаб олиш;
3. тизимнинг тузилишини таҳлилини амалга ошириш;
4. умумий мақсад ва асосий меъёрни шакллантириш.
5. мақсадни қисмларга ажратиш, ресурс ва жараёнларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
6. ресурс ва жараённи белгилаб, мақсадни шакллантириш;
7. истиқбол шартларини прогнозини амалга ошириш ва шарҳлаш;
8. мақсад ва воситаларни баҳолаш;
9. тайёрланган вариантларни саралаш;
10. мавжуд тизимни ташхис(диагноз)ини амалга ошириш;
11. мажмуавий ривожланиш дастурини тузиш;
12. мақсадга эришиш учун ташкилот фаолиятини лойихалаштириш.

Гарчи Квейд, Оптнер ва Голубковларнинг моделида асосий эътибор қарорни ишлаб чиқиши ва муқобил вариантларини танлашга қаратилган бўлсада, Черняк моделида дикқат, мақсадни тизимлашувига қаратилган. Аммо, Янгнинг моделида эътибор қарорни жорий этишга қаратилган.

Бизнингча, универсал модел мавжуд бўлмаса-да, жамиятда тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланилиши содда, аниқ метрик ўлчовлар аосида турли қарор вариантларини ишлаб чиқиши ва уни жорий этиш, муҳими тизимда кузатилган қусурларни бартараф этиш учун хизмат қиласидан маддий талаб ортиб борилаётганлиги кузатилмоқда. Масалани назарий жиҳатдан мураккаблигини, амалий аҳамиятлилик даражаси юқорилигини инобатга олиб, куйидаги тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мўлжалланган SR моделини вариант тариқасида келтирамиз. Тизимли таҳлил модели, таҳлилни амалга оширувчи(мутахассис)ни фаолиятини самарадорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бунда шартли қадамлар доирасида қайси усулдан фойдаланиб, нимани бажариш кўрсатиб ўтилган. Жумладан:

1. тизимнинг турини белгилаб олиш (хужжатларни ўрганиш, фаолият маҳсулини ўрганиш, морфологик таҳлил каби воситалар ёрдамида);
2. тизимнинг тизимости хоссаларини алоқадорлигини вазифадорлиги жиҳатидан ажратиш (жуфтли қиёслаш, алоҳида ҳолатларни ўрганиш кабилар ёрдамида);
3. тизимнинг фаолиятини ташхисини амалга ошириш (тизимнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда диагностик тест, кузатив, визуал диагностика, аудиал диагностика ва бошқа усуллар воситасида);
4. аниқланган муаммони (предметни) вазифадорлигини инобатга олган ҳолда идеал (истакли) ҳолат билан қиёслаш (экстраполяция, алоҳида вазиятларни ўрганиш, сўров (жумладан мутахассисларни муаммога оид муносабатини ўрганиш) воситасида);
5. тизим ҳакида жамланган барча ахборотни сабаб-оқибат алоқадорлиги бўйича мажмуавий шарҳини амалга ошириш (контент таҳлил,

фрагментар таҳлил, қиёслаш каби усуллар воситасида) амалга ошириш;

6. бир нечта варианлардан иборат бўлган қарор лойиҳасини тузиш (экстраполяция, моделлаштириш, прогнозлаш усуллари воситасида) ва касбдош-мутахассисларни ҳукмига ҳавола қилиш;

7. билдирилган таклиф, тавсия ёки аниқ нуқта (жиҳат) юзасидан кўрсатилган эътиrozларни инобатга олган ҳолда, қарор лойиҳаларига илова ва қўшимчаларни киритиш (қиёслаш, сухбат, фаолият маҳсулини ўрганиш каби усуллар воситасида);

8. қарор варианлари қаторидан тизимнинг фаолияти учун мақбул ҳисобланган муқобил варианларни танлаб, уларни тадбиқ этиш режасини тузиш (кузатиш, режалаштириш, алоҳида ҳолатларни ўрганиш, ҳужжатларни ўрганиш каби усуллар воситасида);

9. қарор варианларини раҳбарият (буюртмачи) билан муҳокамасини амалга ошириб (сухбат, интервью, биографик усуллар воситасида), масъулларни ва жорий этиш босқичларини белгилаб олиш;

10. қарорни жорий этиш, натижаларни самарадорлигини инобатга олган ҳолда баҳолаш ва прогнозни амалга ошириш (моделлаштириш, экстраполяция, прогнозлаш каби усуллар воситасида);

11. тизим фаолиятини динамикасини кузатиб, такомиллаштириш мақсадида тизимнинг динамик моделини яратиш, манзилли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш (кузатув, фаолият маҳсулини ўрганиш, ҳужжатларни ўрганиш, сўров, жуфтли қиёслаш каби усуллар воситасида).

Турли муассаса ёки йўналишларда тизимли таҳлилни амалга оширишдан мақсад, ривожланишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқ белгилаб, уни бартарф этишнинг мақбул, яъни мавжуд ресурсларни инобатга олган ҳолда инсон, касбий фаолият ва жамоа, ишлаб чиқариш ёки фан соҳаси, жамият учун фойда келтирадиган ечим йўлини топиб, уни жорий этиш механизмини белгилаб олишдан иборат.

### **Назорат саволлари:**

1. Тизимли таҳлилнинг асосий қисмларини ажратиб беринг?
2. Тизимларни қайси турларини биласизми?
3. Квейд услубининг модел сифатида таркибий қисми нечта босқичлардан таркиб топган?
4. Голубков услубининг модел сифатида қўллашдан мақсад нима?
5. Черняк усулбини қўллашдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
6. Тизимли таҳлилни амалга оширишда “SR моделини”ни афзалликлари нимада ифодаланган?
7. Педагогик тизимнинг тизимостилари деганда нимани тушуниш лозим?
8. Янг услубининг моделини тавсифлаб бераоласизми?
9. Тизимли тафовут деганда нимани тушуниш лозим?
10. Тизимли таҳлилнинг принциплари деганда нимани тушуниш лозим?

11. Тизимли таҳлилда ахборотни жамлаш усули деганда нимани тушуниш лозим?
12. Ахборотни баҳолаш мезонларини биласизми?
13. Энтропия ҳолати деганда нимани тушунасиз?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2014. – 73 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
3. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003.
4. Самаров Р. Ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг назарий-амалий жиҳатлари // Ж. Муҳофаза +, 4 – сон, 2011 (78).
5. Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010.
6. Самаров Р., Муротова Д. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказишда тизимли ёндашувдан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари // Илм сарчашмалари Урганч давлат университети илмий-услубий журнали № 7, 2013. 22-28-бетлар.
7. Самаров Р. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2015, 12-сон. 23-29 – бетлар.
8. Фозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.
9. Янг Э., Куинн Л. Как написать действенный аналитический документ в сфере государственной политики: Практическое пособие для советников по государственной политике в Центральной и Восточной Европе / Пер. с англ. Ю.Д.Полянского. - Киев: К.И.С., 2003.

## **4 - мавзу. Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш**

### **Режса:**

- 4.1. Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимли таҳлил методологияси.*
- 4.2. Тизимли таҳлилда мос келмаслик ва фарқларни топиш методикаси.*
- 4.3. Меъёрларни шакллантириши ва маъмуавий*

**Таянч сўз ва иборалар:** онгли ҳаракатни амалга ошириш, педагогик тизимнинг фаолияти, методология, мақсадни шакллантириш, мақсадни илгари суриш, қарорни тайёрлаш, ресурсларни инобатга олиш, режасини ишлаб чиқиши, режсани бажарииш, режсани амалиётга қўллаш, натижсани баҳолаш, меъёр, тизимли алоқадорлик, тизимли таҳлил талаблари, тизимости чикувчи элеменлар, қабул килувчи элементлар.

### **4.1. Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимли таҳлил методологияси.**

Тизимли таҳлилни амалга ошириш бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан амалга оширилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган масалалар ўрганилади, бундан шахс ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдордир. Агар уларнинг ҳар бирини алоҳида тизим сифатида ўрганмоқчи бўлса, бунда жамият катта тизим тарзида иштирок этади. Бу ўз навбатида, тизим методологиясидан хабардор бўлишни тақозо этади.

Тизимларни илмий ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларни функционал ва структуравийлиги жиҳатидан алоҳида хоссаларини алоқадорлигининг даражаси асосида таснифлашдан иборат. Назарий нуқтаи назар бўйича тизимларнинг хоссавий алоқадорлигини аниқ белгиларига мувофиқ таснифлаш мумкин. Мавзу бўйича таснифлашнинг турли тамойилларини танлаш мумкин, аммо ҳар қандай таснифлаш нисбийдир. Таҳлил ўтказиш мақсадида мухитдан мураккаблик ва вазифадорлиги бўйича алоҳида яхлитлик (тизим) тарзида айри ҳолда ўрганилиши лозим. Масалан, детерминантлашган тизимда эҳтимолли таркибларни топиш мумкин ва унга қарши детерминантлашган тизимни эҳтимолли хусусий ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Мураккаблик даражаси бўйича тизимлар **оддий, мураккаб ва гипермураккаб** кабиларга ажратилади. Мураккаблик белгисини аниқлашдан келиб чиқиб, илмий ўрганиш учун мухим ҳисобланган хусусият, яъни айни бир тизимни турлича шарҳлаш имконияти пайдо бўлади, бу хусусида турлича назариялар ҳам яратилганки, уларни тизимларни ўрганиш

методологияси деб кўрсатиш мумкин. Методология бир нечта маъноларни ангатади. Биринчи маъноси, бу бирон бир фанда, масалан социологияда татбиқ этиладиган тадқиқот усусларининг мажмуи деган маънони англатади. Иккинчи маъноси, бу илмий билим ва дунё манзарасини ўзгартиришини ўрганиш методи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Меодология, билим методларининг назарий асоси ривожланиб бораётган фаннинг эҳтиёжлари тақозоси билан юзага келган бўлиб, у табиат, жамият ва инсон онгининг мураккаб ҳодисаларини тўғри объектив талқин этишга, фаннинг табиий алоқаларини очишга имкон беради.

Илмий билиш жараённида ҳар бир фан конкрет тадқиқот обьектига эга бўлиб, ўзининг маҳсус усусларини яратган. Бунда, ўша фаннинг манфаати, қонуниятлари, асосий категорияларини амал қилиш тартиби асос қилиб олнгандир. Буни хусусий методология деб кўрсатиш мумкин. Лекин баъзи бир фанлар бир-бирига яқин бўлгани учун уларнинг тушунча ва қонуниятлари ҳам бир-бирига якиндан кўринади. Бунда “чегара”ни белгилаш анча мураккаб кечади. Бу жараённи ижобий кечишини таъминлаш учун методологиядан фойдаланишина тақозо этади.

Назарий жиҳатдан таҳлилни амалга оширишда (билишда) хусусийлик ва умумийлик вазифаларини бажарувчи усуслар мавжуд экан. Шу тариқа, кўпчилик фанларда қўлланадиган усусларга умумий усул дейилади. Умумий усул қўлланиши доирасига кўра умумий, лекин қўлланилаётган масалага нисбатан ўз вазифасига эга бўлади. Бунга анализ ва синтез умумлаштириш ва мавхумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштиришни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, тизимли таҳлилни бажариш жараённида илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва фанлараро усуслари мавжуд бўлиб, ўлар узаро бир-бири билан боғлиқдир.

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун таъдим-тарбия, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик вазифа, педагогик мақсад, педагог имиджи, таълим олувчининг фаолияти, таълим усули ва воситалари, таълимда қўлланиладиган технологиялар (шу жумладан ахборот технологиялари) каби хоссаларни функционаллигини инобатга олган ҳолда таҳлилий усуслар танланиши лозим. Бунинг учун онгли ҳаракатларнинг кетма-кетлигидан (моделидан) фойдаланиш мумкин. Масалан, кафедра профессор-ўқитувчиларининг фаолиятини ўрганишни олсак. Бунда, бажарилган (бажарилиши лозим бўлган) ўқув ишлар, илмий - услубий ишлар, илмий - тадқиқот ишлари, ташкилий – услубий ишлар, маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш лозим бўлади. **Бунинг учун, “1 + мақсад шакллантирилади, 2 + вазифалар белгиланади ва уларни бажариш тартиби аниқланади, 3 + мулоҳаза ва мунозара юритилади, 4 + ишлар аниқ белгилар (кўрсатмалар) асосида умумий ва хусусийларга ажратилади, 5 + режалаштирилган ва бажарилган ишлар орасида тафовут белгилаб олинади ва ташхисамалга оширилади. Яъни, галдаги ишлар бажариладими ёки бажариш имокнияти йўқми, 6 + фаолиятнинг ҳар бир соҳаси бўйича мушоҳада юритилади, натижалар**

**қиёсланади. Амалиётда, гоҳида фарқ қузатилади. Масалан, бажарилган илмий - тадқиқот ишларининг кўрсаткичи юқори, ташкилий – услубий ишлар паст бўлиши мумкин, 7 + жамланган, қиёсланган барча ахборот яхлит ҳолатга келтирилади, 8 + улар кўрсатилган меъёр асосида тавсиф ва шарҳланади, 9 + хулоса, таклиф ва тавсиялар тайёрланади, 10 + фаолиятга оид прогноз вариантлари тузилади ва бирон бир таҳлилий манба шаклига келтирилади, 11 + тайёрланган таҳлилий манба раҳбариятга (буортмачига) узатилади.**

Таҳлилий манба, интеллектуал фаолиятнинг олий маҳсули бўлиб, педагогик фаолиятнинг аниқ бир соҳасига оид муайян муаммони ўрганишга бағишлиланган бўлиши мумкин. У аниқланган муаммоларни бартараф этишда расмий жиҳатдан қудратли восита ҳисобланади ва ўз олдига қатор мақсадларни қўяди.

Таҳлилий манбалар илмий ишлардан қатор хусусиятлари билан фарқланади, уларни қуидаги тартиб асосида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- соддалиги билан;
- баён тарзининг осонлиги билан;
- илмий тушунчаларнинг камроқ қўлланганлиги билан;
- таҳлилни амалга ошириш вақтининг чегаралангандиги билан;
- манба ҳажмининг чегаралангандиги билан;
- манбани аниқ вазифани бажаришга йўналтирилганлиги билан.

Таҳлилий жараёнга ажратилган вақтнинг ўсиши билан касбий характердаги ахборотга қўйиладиган талабни амалиётга татбиқ этишга имконият яратилади. Улардан энг асосийлари қуидагилардир:

- ўз вақтида;
- кенг қамровли;
- ишончли;
- хусусий ва б.

Булар, ўз навбатида, педагогик фаолиятдаги у ёки бу муаммони ҳал қилишда ресурслар, ҳуқуқий асос, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни инобатта олган ҳолда раҳбарият томонидан қарор чиқаришга ёрдам беради.

Таҳлилий манбанинг тўлиқлиги ва ишончлилиги турли метрик услублар ёрдамида олинган ахборот ҳисобидан шакллантирилган база ҳисобланади.

Таҳлилий манбани тайёрлаш жараёнини бир неча босқичга ажратиш мумкин:

- тадқиқот вазифасини буюртмачи/истеъмолчидан белгилаб олиш (вазифа олиш);
- муаммо билан танишиш (муаммонинг тарихи, сабаби, унга таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш);
- манбани тайёрлаш учун бажариладиган вазифаларни белгилаб қўйиш;
- манбада қўлланадиган атама ва тушунчаларнинг аниқлаш (ахборотни таснифлаш ва тизимлаш);
- метрик услубларни белгилаб олиш ва уларнинг воситасида маълумотларни тўплаш (ахборот базаси);

- йиғилган ахборот таҳлили (фараз илгари суриш, сабаб-оқибат алоқадорлигини аниқлаш, тенденцияларни белгилаш, прогнозлаш);
- асосий ҳолатларни баён этиш (матн билан ишлаш);
- холоса ва тавсияларни аниқлаб, уларни амалиётда синаш;
- яқуний холосаларни тақдим этиш (тадқиқот ишини тугатиш);
- манба бўйича соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш;
- манбани расмийлаштириш ва адресатга жўнатиш (вазифани бажариш) ва б<sup>44</sup>.

Предметнинг моҳиятини предмет белгилайди. Шу сабабли таҳлилий манбалар намуналарининг контент таҳлилини амалга ошириш жараёнида уларнинг турли тавсифларини қиёслаб, қуидаги шартли таркибий қисмлари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Сарлавча.
2. Мундарижа.
3. Аннотация/Мухтасар.
4. Кириш.
5. Муаммони аниқлаш.
6. Прогноз вариантлари.
7. Холоса ва тавсиялар
8. Қарор вариантлари.
9. Илова.

Таҳлил бу аввало инсоннинг билимлари асосида вужудга келадиган ижод маҳсулидур. Ҳар бир инсон таҳлилий фаолият билан маълум бир савияда шуғулланиши мумкин. Аммо, педагогик фаолият доирасида бу жараён анча мураккаб кечади. Чунки, илмий, услубий, касбий, ахборий, вазиятли, шахсий ва касбий каби омиллар таъсир кўрсатади. Шу сабабли, таҳлил фаолият кўринишида учта мазмунли-йўналишли вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз. Булар:

- методологик вазифа;
- технологик вазифа;
- ташкилий вазифа.

Ҳар ир вазифа функцияси жиҳатидан ўзининг тузулиши ва мазмунига эгадир. Таҳлилий фаолият мураккаб қарорлар вариантини тайёрлаш жараёнида танланган муаммога тизимли тарзда ёндашишни тақозо этади. Бунинг учун, **биринчидан**, объектнинг жорий ҳолати қандай деган саволга жавоб топиб, ижтимоий, педагогик, психологик диагностика ўtkазилади. **Иккинчидан**, объектни идеал ҳолати қандай бўлиши лозим деган савол кўйилади, бунинг учун объектни тузулиши, вазифалари, таъсис этилишдан мақсади кабилар аниқланади. **Учинчидан**, объектнинг жорий ҳолати билан идеал ҳолати қиёсланиб, мавжуд муаммолар белгилаб олинади. **Тўртинчидан**, эмпирик услублар асосида объектни истакли ҳолати ўрганилади, бунда муаммолар таснифланиб, гурухларга ажратилади. **Бешинчидан**, объектни жорий, эпирит ва идеал ҳолатлари қиёсий тарзда

<sup>44</sup> Самаров Р. (хаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010. 62-89 – бетлар.

үрагилиб, уни галдаги ҳолати назарий жиҳатдан моделлаштирилади. **Олтинчидан**, объектни тўлиқ фаолиятмандлигини таъминлаш учун лозим бўлган барча ресурслар инобатга оинган ҳолда, унинг навбатдаги ҳолати прогнозлаштирилади.

#### **4.2. Тизимли таҳлилда мос келмаслик ва фарқларни топиш методикаси.**

Педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлилни амалга ошириш учун педагогик муаммо турини ажрата олиш лозим бўлади. Муаммо турини аниқ идентификациялаш, тайёрланадиган таҳлилий манбанинг амалийлигини, яъни ижтимоий қийматини таъминлашга хизмат қиласи (муаммони тадқиқ этиш мақсадида таҳлилчи-мутахассисдан нима талаб қилинади?). Бунинг учун, муаммони табақалаштира олиш талаб этилади (гарчи бу соф илмий методологик аҳамият касб этса-да).

Назария ва амалий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда муаммони йўналтирилганлиги бўйича амалий характердаги муаммолар ва аксинча, тўлиқ назарий характердаги муаммоларга ажратиш мумкин. Бу иккала муаммонинг турли жиҳатларини қамраб олувчи муаммолар ҳам борки, уларни қўйидагича кўрсатиб ўтсак мақсадга мувофиқдир:

1) **Муаммонинг универсаллик даражаси.** Ўзида хусусий муаммоларни мужассамлаштирган умумий даражадаги муаммолар мавжуд. Масалан, сиёсий бошқарувда қўлланиладиган усул ўзида хусусий муаммоларни қамраб олади (кадрлар, жамоа ва лобби гурухлар шулар жумласидандир).

2) **Муаммони ҳал этишининг вақт жиҳатидан тезлик даражаси.** Биринчи навбатдан бажарадиган, иккинчи навбатда бажарадиган, кейинчалик бажарадиган ва б.

3) **Муаммонинг структуравий жиҳатлари.** Бунда муаммо фақат битта соҳа доирасида вужудга келганлиги, икки ёки ундан ортиқ соҳа доирасида ифодаланганлиги назарда тутилади.

Тизимли алоқадорликнинг таснифи номли чизмада кўрсатилганидек, ҳар бир тизимли алоқадорлик функционаллиги бўйича алоҳида ўрин тутади. Уларни қўйидаги қисмлар кўринишида кўрсатиб ўтиш мумкин:

•**Биринчи қисм**, тизимда рецепторлар бўлиб, улар ташқи ва ички муҳит ҳамда турли манбалардан педагогик фаолият, педагогик жараён, педагог шахси, таълим олувчилар, таълимий манбаларлардан тўхтовсиз ахборот оқимларини келиб тушишини назарда тутади;

•**Иккинчи қисмда**, маълумотларни қайта ишлаш деб номланиб, буннда, олинган маълумотлар педагогик фаолият манфаатидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил этилади ва оптималлаштирилади. Яъни, идеал ҳолат билан қиёслантирилади;

•**Учинчи қисмда** қарорлар қабул қилиш, яъни, прогноз ва қарорлар варианtlар сараланиб марказга узатилади. Уларни амалга ошириш учун тайёр қарорлар ва таклифлар амалга ошириш қисмида, эффекторларга

узатилади. Яъни, ижрочилар нафақат қарорларни бажарадилар, балки қарорларни амалга ошириш натижалари ҳақида тизимни хабардор қиласидилар. Шу тариқа тизимнинг киришига тескари алоқа сигнал узатилади.

Бу ўринда, энтропия (лот. ўзгариш) ҳолатини ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Негаки, тизим фаолиятини таъминлашда тасодифий обьектнинг мавхум меъёрларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Тизимли алоқадорликнинг таснифидан келиб чиқсан ҳолда педагогик тизимни жамиятнинг бошқа тизимларидан фарқи куйидагилар билан ажralиб туради:

**биринчидан**, педагогик тизим доирасида қабул қилинадиган қарорлар таълим муассасалари ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланувчилар учун мажбурий таъсир кучига эга бўлади;

**иккинчидан**, педагогик тизим, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий-маданий-сиёсий тизимлари билан узвий ва ажралмас боғлиқлиқликда фаолият юритишиб, уларнинг фаолиятини таъминлашга кўмак беради (кадрлар тайёрлаб беради);

**учинчидан**, педагогик тизим жамиятнинг бошқа тизимларига нисбатан мустакил, фаолиятининг ижтимоий мазмундорлиги юқори ва стратегик мазмун касб этади. Яъни, фаолият натижага (истиқболга) йўналтирилган бўлади;

**тўртинчидан**, педагогик тизим фаолиятини такомиллашувини таъминлашдан, барча тизимлар ва уларнинг тизимостилари манфаатдор;

**бешинчидан**, педагогик тизим миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоясини амалга ошириш учун бирламчи вазифасини бажаради.

#### **4.3. Меъёрларни шакллантириш ва мажмуавий муаммоларни ўрганиш.**

Ақлий фаолиятга таянган ҳолда, вужудга келган педагогик муаммони ечиш учун, маълум бир жараёнлар кечади. Яъни муаммонинг вужудга келиши ва уни ечишга оид бир неча босқичлар мавжудлиги назарга тутилмоқда. Педагогик фаолият динамик мазмун касб этиб, таълим-тарбия олдига қўйиладиган галдаги вазифаларни бажариш жараёнида такомиллашиб (кенгайиб) боради. Бу ўз навбатида, турли кўриниш ва мазмундаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаб (диагностикасини, прогноззини амалга ошириб), педагогик ресурсладан манзилли фойдаланишни тақозо этади.

Шу тариқа, педагогик фаолият доирасида намоён бўладиган муаммони тизимли ўрганиш учун, мутахасисс муҳим ҳисобланган хусусий жиҳатларга эътибор қаратиши лозим:

- муаммоли вазиятнинг вужудга келиш тарихини билиши лозим;
- вазиятнинг моҳиятини ва муаммони англаб этиши лозим;
- таклиф қилинган, асослаган гипотеза асосида муаммони ечиш йўлларини белгилаши лозим;
- гипотезанинг исботлаш учун усувларни тўғри танлаши лозим;

- бартараф этилган муаммонинг мақбуллигини синаши лозим;
- синаш давомида кузатилган нуқсонларни бартараф этишда реал вазиятни инобатга олиши лозим.

### **Бу ўз навбатида муаммали вазият шароитида фаолият босқичлариға амал қилишни тақозо этади:**

- муаммони макон-вақтга нисбатида қайд этиш, яъни муаммонинг худудий, вақт чегарасини аниқлаш;
- муаммонинг турини, табиатини ва унинг тизимли хусусиятини аниқлаш;
- муаммонинг ривожланиши объектив қонуниятларга асосланганлигини ва унинг оқибатларнин аниқлаш;
- муаммони ижобий ечиш учун зарурий чораларни қўллаш;
- муамони ҳал этиш учун ташкилий ва техник асосларини ишлаб чиқиш;
- муаммонинг ҳал этиш учун меъёрларни белгилаш.

Таҳлилни амалга ошириш давомида, меъёр деб, таҳлилни амалга ошириш учун танланган объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатларини ўзаро боғлиқлиги назарга тутилади. Бунда мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланиши шарт ҳисобланади. Чунки, педагогик фаолият доирасида амалга ошириладиган таҳлилнинг асосий мақсади шундан иборатки, мавжуд структура тизимда қанчалик самарали ишлшини аниқлашдан иборат. Тизимили таҳлилда, педагогик тизимнинг тузулишини, вазифасини, мавжуд мақсадини аниқлаш назарда тутилади. Аммо иккала ҳолат ҳам бир-бирини тўлдириб туради.

Тизим тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мақсадида, тизимли таҳлилни усулларини тадбиқ этиши бўйича барча меъёр ва талабларини **тизимли таҳлил технологияси** ўзида мужассам этган бўлади. Эътиборни қаратиш лозимки, тизимли таҳлил хилма-хиллик жиҳатидан фарқланганлиги сабали, у истиқболли тадқиқот усули ҳисобланади.

### **Тизимли таҳлилни амалга ошириш жараёнида қуйидагиларга йўл қўймаслик лозим:**

- тушунарсиз вазиятларни мисол келтирмаслиги;
- катта миқдорда маълумотларни қамраб олишга интилмаслиги;
- фикрларнинг кенг ёйилиб кетиши (таҳлилий манба қисқа бўлиши керак. Унда текширилмаган, шарҳи бўлмаган далиллар жой олмаслиги даркор);
- объектив далиллар билан тасдиқланмаган субъектив мулоҳазаларга йўл қўймаслиги;
- мулоҳаза юритишида қатъий бўлмаслик;
- таҳлилий манбанинг асосий мазмунига тааллуқли бўлмаган масалаларни баён этмаслик ва б.

Таҳлилни амалга оширувчи мутахассис метрик усуллар воситасида жамланган ахборотдан ўзининг маҳсулини яратади. Бунда, тафаккур операциялари амалий мазмун касб этади. Негаки, таҳлил тафаккурнинг мантиқий усули сифатида майдонга чиқади. Бу эса мавхум тушунчалар

ёрдамида ва бир-бири билан мустаҳкам боғланган тафаккур операциялари: мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва шу кабилар ёрдамида амалга оширилади.

Англаш жараёнида анализ ва синтез муҳим ўрин тутади ва унинг барча босқичларида амалга оширилади. Англашда тасаввур қилиш, илмий фантаз ва ҳис қилиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Улар таҳлилни амалга оширувчига тафаккур фаолиятини фаоллаштириш ва қатъий мантиқий жиҳатдан кўриб чиқилмайдиган у ёки бу далилни англаш имконини беради. Буларнинг барчаси ижодий жараён тушунчасида умумлашади.

Табиийки, ижодий жараён фаолликни, таҳлилни амалга оширувчининг билим ва қобилиятини сафарбар қилишни талаб қиласди. Ушбу сафарбарлик ихтиёрий жўшқинлик ва ҳис-ҳаяжонли ҳолатда ўз ифодасини топади. Ижодий камол топиш, ички ҳис қилиш ва юзага келадиган ҳолатни моделлаштириш жумласидандир. Бу ўз навбатида, тизимли таҳлил методологиясига оид бир қанча асарларнинг муаллифи бўлган А.Рыковни қуидаги муносабатини келтиришни тақозо этади: “Тизимли таҳлилда моделлаштириш ҳақида гап кетганда, моделларни мажбурий тарзда миқдорий характерга эга бўлишини кўзламаслик лозим. Модел сифатли, вербал бўлиши мумкин. Лекин, унда асослаб берилган асосий шартлар ва гипотезалар ажратилган бўлиши шарт. Моделнинг мақбуллиги, биринчи навбатда, унинг асосий шартларига риоя этилганлигига намоён бўлади”<sup>45</sup>.

Таҳлил, нафақат бошқарувни амалга оширишда, балки ижтимоий ҳаётни турли даврида ҳар бир инсон томонидан амалга оширилади. Аммо, педагогик фаолиятда таҳлил илмий, илмий-педагогик, илмий-касбий мазмун касб этиб, педагогик жараённи самарадорлигини ошириш учун хизмат қилиши лозим.

Таҳлил, фаолият сифатида соҳавий ривожланаётганлиги туфайли доимий равишда янги таҳлилий йўналишлар юзага келмоқда. Бугунги кунда, сиёсий соҳа таҳлилчиси, иқтисодий соҳа таҳлилчиси, ҳарбий соҳа таҳлилчиси, маданий соҳа таҳлилчиси каби тушунчаларни илмий мулоқотга киритилиши бежиз эмас. Яқин келажакда, таълим-тарбия соҳасининг таҳлилчиси деган тушунча замирида, педагогик тизим фаолиятини тизили таҳлилини амалга оширишга қодир бўлган мутахасис тушунилса, не ажаб.

Таҳлил турини қайси бирини қўллашдан қатъий назар, унинг натижасида бирон бир шаклга эга бўлган манба тайёрланади. Педагогик фаолият доирасида бу такриз, тезис, мақола, раддия, изоҳ, маълумотнома, тавсиянома, йўрикнома, кўрсатма, маслаҳат тарзида бўлиши мумкин. Агарда, аниқ педагогик вазият ўрганилса, бунда маълумотнома ёки тавсифнома тайёрланади.

Педагогик фаолият тизимида таҳлил кўп функцияларни бажариб, замонавий педагог педагогик жараён давомида юзага келадиган реал (шу жумладан эҳтимолли) вазиятларни таълим-тарбия бериш манфаатидан келиб

<sup>45</sup> Рыков А.С. Модели системного анализа: принятие решений и оптимизация: – М.: МИСИС, 2005. – С. 45.

чиқкан ҳолда таҳлилини амалга ошира олиши, педагогик жамоада, жамиятда замонавий педагог имижини шакллантириши учун муҳим ҳисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тизимли таҳлилни амалга оширишда онгли ҳаракатни амалга ошириш технологиясидан фойдаланишдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
2. Педагогик тизимнинг фаолияти дегани нима?
3. Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мақсадни шакллантириш тарбини биласизми?
4. Ресурсларни инобатга олиш деганда нимани тушунасиз?
5. Тизимли таҳлилни амалга оширишда ахборотга қўйиладиган талаблар?
6. Таҳлилни амалга оширишда меъёрларни белгилашни тартиби нимадан иборат?
7. Тизимли алоқадорликни асосий белгилари нимадан иборат?
8. Тизимли таҳлилни ўтказишида амал қилиши шарт бўлган талабларни биласизми?
9. Тизимли таҳлил ўтказишида мажмуавий ва фрагментар ёндашувларни фарқли томонини биласизми?
10. Тизимости чикувчи элементларни мақсади нима?
11. Қабул килувчи элементларнинг вазифаси нимадан иборат?
12. Таҳлилий манба деганда нимани тушунасиз?
13. Тизимли таҳлил ўтказувчининг масъулияти деганда нимани тушунасиз?
14. Таҳлилий манбага қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
15. Вазиятли таҳлил усулидан тизимли таҳлил усулининг фарқли томонлари нимада?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2014. – 73 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. - Т., 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Вертакова Ю.В. Управаленческие решения, разработка и выбор. М.КНОРУС, 2005.
5. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003.
6. Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики. – М.: Аспект Пресс, 2006.
7. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари // - Т.: Академия, 2010.
8. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш

механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.

9. Самаров Р. Инсон камолотини таъминлашда адабиётнинг роли (структуравий-функционал ёндашув) // “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” номли халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2016. – Б. 175-178.

Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. – Б. 23-30.

10. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004.

11. Фозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон.

12. Managing with Systems Thinking, Michael Ballé, McGraw-Hill, London, 1994.

## IV. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Мини-кейс 1.

#### «Эксперт кенгаши: интилиши ва юксалиши?»

Тингловчиларнинг билимини баҳолашда уларни билиши талаб этилган меъёр даражасида синов ўтказилади. Материалларни яхши ўзлаштирган тингловчилар баҳоланган сўнг одатда эришган билимлари доирасида тўхтаб қолади ва қўшимча билиниши юксалтиришга интилмайди. Таълимий материалларни яхши ўзлаштиргмаган тингловчилар баҳолаш синовидан озод қилишларини хоҳлайди ва унга интиладилар, аммо билимни тиклаш интилмайдилар.

*Таълим жараёнида нега бундай ҳолат қузатилади? Буни бартараф этиши учун тизимли таҳлил тамоийлларига таянан ҳолда ўзингизнинг таклифингизни беринг.*

### Мини-кейс 2.

*“Педагогик жараённи мақсадли бошқарши учун таълимий манбаларнинг сифати, педагогнинг касбий тайёргарлиги, таълим усули, таълим воситаси ҳамоҳанг бўлиши билан бирга – талабада фанга*

## ***нисбатан қизиқиши юқори даражада ифодаланган бўлиши шартдор***

Педагогик тизим, бу ягона мақсад сари, аникроғи инсоннинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи, сон ёки сифат кўрсаткичи бўйича бир унсур ўзгарса албатта иккинчи унсур ҳам ўзгарадиган, турли тузилмавий таркиблардан (яъни: педагогик жараён, педагогик фаолият, педагогик ҳамкорлик, педагогик амалиёт (мавжудлик)) иборат бўлган мажмуа(яхлитлик)дир. Масалан, педагогик жараён аслида тизимости (подсистема), лекин автоном (алоҳида) тизим сифатида ҳам (танланиб) ўрганилиши мумкин.

*Нега бундай вазият кузатилади? Буни ижобий ва салбий жиҳатларини асослаб беории учун қандай йўл тутиши керак?*

### **Мини-кейс 3**

“Тизимли таҳлилнинг таркибий қисмларини белгилаб беринг”?

Тизимли таҳлилнинг таркибий қисмлари:

- ахборот билан таъминлаш манбаи;
- ахборотнинг сифати;
- таҳлилий усул ва воситалар;
- таҳлилни амалга ошириш концепцияси;
- таҳлилни амалга ошириш учун услубий ва ахборий характерга эга бўлган манбалар билан таъминланганлиги;
- таҳлилни амалга ошириш мақсади;
- таҳлилий жараёнда қўлланиладиган техник воситалар ва ҳоказо.

*Қарор қабуил қилишида ушибу таркиблардан қайси тартиб асосида фойдаланиши мақбул ҳисобланади?*

### **Овоза қилиш - афиширлаш**

**Асосий кейсни ишлаб чиқши.**

Ҳар бир гурӯҳ миникейсларни ишлаб чиқишида асосий кейсни ечимини топиш бўйича ўзлаштирилган билимлари бўйича ўзининг тақлифини беради. Бунинг натижасида у ёки бу қарор қабул қилинади ёки хulosага келинади.



## **IV боскич. Рефлексия**

**«Рефлексия савати»**

Тингловчилар фаол иштирок этган-маҳоратли тингловчини ишини баҳолайди. Ўзининг тақризини маҳсус саватга солишади.

Шундан сўнг, педагог - тренер кейс ўтказиш бўйича умумий хulosани баён этади.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Тизимли таҳлилни амалга оширишда моделлаштириш усулидан фойдаланиш технологияси.
2. Таълим-тарбия тизимини хавфсизлиги.
3. Қарор қабул қилишда ресурс.
4. Тизимлар назариясидан педагогик фаолиятда методология тарзида фодаланиш.
5. Оптнер ва Квейднинг усулларини иқиёсий таҳлили.
6. Қарор қабул қилишда таъсир қрсатадиган омиллар.
7. Педагогик тизим ва унинг структураси.
8. Тизимнинг муҳит билан алоқадорлигини хусусий кўрсаткичлари.
9. Тизимлар ва уларнинг функционал классификацияси.
10. Тизимлар назариясининг қиёсий таҳлили.
11. Тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган таҳлил моделлари.
12. Қарор ва уни таснифи.
13. Янг ва SR тизимли таҳлил ўтказиш методининг молларини шарҳи.
14. Педагогик вазиятларни ўрганишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш принциплари.
15. Таҳлилни амалга оширишда педагогик прогноз ва педагогик диагностикадан фойдаланишнинг афзалликлари.
16. Конвергенсия ва унинг структураси.
17. Таълимий манбаларда ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш техникаси.
18. Педагогик фаолиятда психологик таъсир кўрсатиш эфектлари.
19. Қарор қабул қилишнинг асосий шартлари.
20. Тезкор қарор қабул қилиш технологияси.
21. Муҳитдан тизимни ажратиш усули.
22. Муаммони белгилаб олиш технологияси.

23. Голубков ва SR моделларини ўзига хос жиҳатлари.
24. Қарорнинг структурасига қўйиладиган талаблар.
25. Тизимли таҳлил асосида педагогик вазиятни ўрганишнинг амалий аҳамияти.
26. Ахборот ва унинг сифатини баҳолаш мезонлари.
27. Тизимли таҳлил усулларидан фойдаланган тарзда манба тайёрлаш технологияси.
28. Конвергенция жараёни.
29. Педагогиг имиж ва индивидуал педагог фаолият.
30. Тизимости унсурларни тизим тарзида ўрганиш усули.
31. Педагогик фаолият ижтимоий тизимнинг тизимости элементи сифатида.
32. Педагогик жамоа ва талабалар жамоаси учун мақбул ахборотнинг принциплари.
33. Тизимли таҳлилни амалга оширишда тизимли идрок.
34. Таълим муҳити ва ахборот.
35. Таълимий ахборотнинг психологияк хавфсизлиги.
36. Педагогик фаолиятда миллий манфаатларни ифодаланишини методологик асослари
37. Тизим ва муҳитнинг алоқадорлигини структуравий таҳлили.
38. “Х-педагогик вазиятда қарор қабул қилишнинг асосий тамойиллари.
39. Тизимли таҳлил асосида манба тайёрлашнинг асосий тамойиллари.
40. Қарор қабул қилиш ва уни тадбиқ этишда педагогнинг роли.

## V. ГЛОССАРИЙ

**Адолат** – (арабча – одиллик, тўғрилик) – ахлоқ ва ҳуқуқнинг асосий категорияларидан бири; қонун олдида барчанинг тенглиги ва қонуннинг барчага баробарлиги.

“Адолат” турлича талқин қилинадиган, хилма-хил тарзда намоён бўладиган тушунчадир. Баъзи ахлоқий- ҳуқуқий меъёрлар ҳам адолат мезони сифатида қаралади. Бу, ўз навбатида, адолат мезонларининг жамият ривожига, инсоният тараққиётига, муайян мамлакат қонун - қоидаларига мос ёки мос эмаслиги билан белгиланади.

**Аккламация** (лот. acclamatio – ундов бериш) халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотлар амалиётида учрайдиган бирор қарор қабул қилишнинг овоз беришсиз, иштирокчиларнинг муносабатларини қичқириқ, ҳиссиётларини намоён этиш орқали ўрганиш усулидир.

**Альтернат** (лот. alternus - кетма-кетлик) шундай тартибки, бунда имзоланиши керак бўлган халқаро шартноманинг биринчи бетида тарафларнинг номланишлари, вакилларнинг имзолари, муҳр, шунингдек, келишаётган давлатнинг тилида масаланинг ўзи биринчи ўринда ёзилади. Биринчи имзо учун янада асосий бўлган шартноманинг чап тарафи ёки устма уст қўйилади. Бу икки тарафнинг тенглигидан далолат беради. Альтернат, асосан, камдан кам ҳолда, икки тилда тузиладиган шартномаларни имзолашда қўлланилади.

**Аутентик матн** (юнон. aut-hentikos – асл, биринчи манбадан чиққан) бирор-бир хужжатнинг асл матни. Халқаро ҳуқуқда, халқаро шартноманинг қабул қилинган матни якуний деб эълон қилинадиган жараён аутентик матннинг белгиланиши дейилади.

Одатда, агар шартнома бир ёки бир нечта тилларда тузилса, унинг якуний қоидаларида барча матнлар “бир хил кучга эга” деб қайд этилади, яъни аутентик, бир хил ҳақиқий деб ҳисобланади.

**Барқарорлик (ижтимоий)** - 1) жамият ҳаётининг осойишталиги; 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғулиги; 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллат, дин, қатлам ва бошқ) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги.

**Ватанпарварлик** – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асрар, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундейдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни - Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содик бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозири учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Ватанпарварлик отабоболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, қадриятларини асрар ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутади.

**Гегемонизм** (юононча *gегемония* – раҳнамолик, ҳукмронлик, раҳбарлик) – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, давлатнинг бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини асослашга қаратилган назария ва амалиёт.

**Далилларга асосланганлик тамойили.** Маълумки, қарор қабул қилишдан олдин муаммоли вазиятга тааллуқли бўлган маълумотлар йиғилади. Мазкур маълумотлар турли хил манбалардан, турли хил ишончлилик даражасига эга бўлган ҳолда тўпланади. Маълумотларни саралаш босқичида ҳар бир маълумотнинг далилига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

**Жамоатчилик фикри** - кенг жамоатчиликнинг, омманинг, аҳоли кўпчилик қатламишининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, гоя, қараш ва тасаввурлари. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мағкуравий муассасаларнинг омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ ўзгариб бориши мумкин. У жамоа онгининг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғуналашиб бориши натижасида юзага келади. Жамоатчилик фикри ақлий, ҳиссий ва иродавий жиҳатларни узвий бирликда ифодалайди ва турли тарзда намоён бўлади. Биринчидан, воқеаларга маънавий муносабат сифатида. Бунда воқеаларни баҳоловчи фикрлар кенг жамоатчилик томонидан бирор-бир тарзда эътироф этилади. Иккинчидан, ғоявий-амалий муносабат сифатида. Унда ҳиссий ва иродавий истаклар, интилиш ва ниятлар оммалашади, жамоатчиликни амалий фаолиятга ундейди. Учинчидан, амалий муносабат сифатида. Бунда кишилар воқеа ва жараёнларга бўлган муносабатларини ўзларининг оммавий ҳаракатлари билан намоён этади. Жамоатчилик фикрининг кўпчиликка таяниши унинг таъсир кучини белгилаб беради.

**Идеализм** - (юононча *-idea* - тасаввур, тушунча) олам ва одамнинг яралиши, табиат ва жамиятнинг моҳияти ва ривожида руҳий, моддий бўлмаган омилларни устувор деб билувчи фалсафий йўналиш. Идеализм тарихи буюк юонон файласуфи Афлотун таълимотидан бошланади. У турли хил фалсафий фикрларни таҳлил қиласар экан, ўзини идеализм намояндаси дея очиқ тан олади. Худди шу даврдан бошлаб фалсафий қарашларда идеализм ва материализм (моддиончилик) таълимотлари пайдо бўлган. Идеализм ўз тараққиётида бир қатор даврларни бошдан кечирган. У Афлотун, Фома Аквинский, Шеллинг, Гегель, неотомизм йўналиши намояндалари таълимотида объектив идеализм шаклида, Беркли, Юм ва бошқа баъзи ҳозирги замон Ғарб фалсафий фикри намояндалари таълимотларида эса субъектив идеализм шаклида, ривож топган.

**Имтиёзли ҳамкорни белгилаш** - муайян минтақада геостратегик манбаатларни амалга оширишга хизмат қиласиган тамойиллардан бири. Муайян асосларга таянган ҳолда (диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик ёки бошқа сабабларга кўра), ҳар бир давлат ким биландир имтиёзли ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу – табиий. Аммо бу ўринда гап имтиёзли ҳамкордан муайян минтақада давлатлари ўртасида айрмачилик майларини

авж олдириш, номақбул бўлиб туюлган давлатлар имкониятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга, ҳамкор давлатнинг минтақадаги бошқа давлатлардан қайсиdir жиҳатдан устунлигини таъминлашга қаратилган интилишлар ҳақида бормоқда. Аслида бош мақсад - муайян минтақага таъсир ўtkазиш учун ўзига хос плацдармга эга бўлишдан иборат.

**Ички ишларга аралашмаслик** – халкаро хуқуқнинг асосий тамойилларидан бири; бир давлатнинг бошқа бир давлат ишларига аралашмаслиги.

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маданий тузилишига ўз худудига, чегаралари, аҳолиси ва бошқа атрибулларига эга бўлиши лозим. Ушбу белгиларнинг мавжудлиги муайян давлатнинг жақондаги ўрни ва нуфузини белгилайди. Агар давлат бу белгиларга эга бўлса-ю, аммо ички ёки ташқи сиёсатини мустақил олиб бора олмаса, бу унинг суверен давлат сифатидаги моҳиятини йўққа чиқаради.

**Маданият** - (арабча- шаҳарга оид) турлича талқин этиладиган, мураккаб ва кўп маъноли тушунча.

Археология ва этнография, тарих ва социология, политология ва фалсафа каби фанлар ўз вазифа ва мақсадларидан ҳар бир тадқиқотчи эса ўз дунёқараши ва ёндашувидан келиб чиқсан ҳолда маданиятнинг таърифини яратади. Француз олим А.Моль XX асрнинг олтмишинчи йиллари охирига келиб ана шундай ўзига хосликлар туфайли маданиятнинг 250 дан ортиқ таърифи яратилганини таъкидлаган эди.

**Маънавият** – (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий хуқуқий, илмий, бадиий, аҳлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Шу нуқтаи назардан қараганда Ислом. Каримовнинг «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон – иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман», - деган фикрлари диққатга сазовордир.

**Маҳалла** – (арабча –жой, ўрин, макон) кишиларнинг муайян худудда биргаликда яшашлари туфайли юзага келган бирлиги. Маҳалла –ирик жамоадир. Ўтмишда маҳалаларда асосан маълум бир касб-кор одамлари истиқомат қилишган. Маҳаллалалар ҳам шунга қараб айтайлик «Заргарлик», «Мисгарлик», «Темирчи», каби номлар билан аталган. Ҳозирги кунда маҳаллаларда бундай «иҳтисослашув» йўқ. Шу билан бирга, ҳамкаслар кўпчиликни ташкил этадиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Буни пойтахтдаги «Профессорлар», «Шифокорлар», «Ишчилар» каби маҳалла номларида ҳам кўришимиз мумкин.

**Мехнат жамоалари** - корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ишчи ва ходимларнинг фаолиятини амалга оширувчи ижтимоий бирлашмалар бўлиб, инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий мухитдир. Улар кишида жамоавийлик, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр - оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан ҳисобланади.

**Миллий менталитет** (лотинча «meng» — ақл, идрок, зеҳн, фахм-фаросат) – миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга етган қобилияти ва руҳий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъаналар, расм-руслар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Ўз навбатида у муайян миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашини ҳам бир қадар белгилайди, гохида уни баҳолаш учун асос бўлади.

**Фуқаролик** – шахс ва давлат ўртасидаги қатъий характердаги сиёсий-хукуқий алоқаки, унинг натижасида улар ўртасида ўзаро хукуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади.

Фуқаролик масалалари, авваламбор, ҳар бир давлатнинг ички қонунчилиги билан ҳал қилинади, лекин бундай қонунчилик ҳалқаро хукуқ меъёрларига зид бўлмаслиги лозим. Ҳалқаро хукуқларнинг фуқароликка тааллуқли меъёрлари, асосан, БМТ Низомида, 1957 йилдаги Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги ҳақидаги Конвенция, 1966 йилдаги Инсон хукуқлари ҳақидаги Пактларда ва бошқа ҳужжатларда, шунингдек давлатлар ўртасидаги кўп сонли миңтақавий ва икки томонлама шартномаларда қайд қилинган.

**Таҳдид** - хавфнинг эҳтимоллик даражасидан реалликка ўтиш жабҳаси бўлиб, у хавфнинг билвосита ҳамда бевосита шакли ёки шахс, жамият ва давлат (шу жумладан дунё ҳамжамияти)нинг манфаатлари, миллий қадриятлар, миллий ҳаёт тарзи учун хавфли шарт-шароит ва омиллар мажмуаси бўлиб, жамиятда мавжуд ёки юзага келиш эҳтимоли бор бўлган реал зиддиятларнинг намоён бўлишидир. Уларни таснифлашда, асосан, таҳдидларнинг келиб чиқиш манбаси инобатга олинади.

**Манипулятив мулокот** - алдов йўли билан шахснинг “ишонч”ини қозониш учун мулокот формасидан сухбатдошларига мақсадли таъсир кўрсатиш. Унинг ўзига хос даражалари мавжуд, яъни манипуляцияни амалга ошираётган томон овозни ўзгартириш, турли имо-ишораларни қўллаш, аниқ бир ғояни сингдиришда турлича мавзулардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунда инсонда қизиқувчанлик, гуноҳ ва савобни тушуна олиш, қўрқув, бағрикенглик, имонлилик, раҳмдиллик ва шу каби хусусиятларнинг мужассамлашганлигидан тўлиқ фойдаланилади. Антиманипулятив хулқ бирорларнинг шахсий қадр-қимматини, хукуқини поймол этмасдан, ўз қадрини, хукуқини билиб унга риоя этиш ва талаб қила олишдан иборат бўлган хулқ намунасиdir. Буни «ассертив» хулқ ҳам дейилади. Қачонки инсон ўз ҳатти харакатларининг чегараси, меъерини билиб унга риоя этса ва бирорларни қадр-қимматини, ҳақ-хукуқини ҳурмат қилиб, одоб доирасида уни жойига қўя олади.

**Холислик тамойили.** Ҳар қандай қарор қабул қилинганда қарор қабул қилувчи маълумотларни холислик билан таҳлил қилмаса, унинг чиқарган

қарорида бир ёқламалик, қарорни маълум томонларга буриш ҳодисаси кузатилади. Холислик билан чиқарилган қарорда ҳеч бир томоннинг манфаатлари алоҳида қаралмайди ва қарор ҳис-туйхуларга берилмасдан чиқарилади.

**Шахс хавфсизлиги** бу унинг ҳаётий муҳим бўлган қадриятларини ҳимояланганлиги, эҳтиёжларини қондириш учун турли кўриниш ва мазмунларга эга бўлган хавф-хатар ва таҳдидларнинг бартараф этилганлиги, ўзини намоён этиши ҳамда шахсий камол топиши учун етарли бўлган шартшароитларнинг мавжудлиги, сиёсий, ижтимоий-иктисодий хуқуқларини жамоа, жамият ҳамда давлат доирасида таъминланганлиги ва ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у ўзгарувчан характерга эгадир. Шахс хавфсизлигига раҳна солувчи хавф ва таҳдидлар ташки ҳамда ички таъсиrlар асосида шаклланади.

**Меъёр** – ижро интизомида қарорнинг амалиётга татбиқ этилишида сақланиши лозим бўлган оптималь талаблардир.

**Миллий тотувлик** – умумлаштирувчи тушунча бўлиб, ўзида сиёсий-психологик натижалар ва ички умуммиллий сиёсат(миллий тотувлик сиёсати)нинг самарали ва конструктив оқибатларини, бир давлат миқёсида турли миллий-этник, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа кучларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва бир-бирига ўзаро самарали таъсирини, кўп миллатли аҳолига эга бўлган давлатда ҳар қандай муҳим ҳаётий масалалар юзасидан миллатлар ёки турли миллий гурухларнинг бирлашувини мақсад қилган сиёсатдан кўзланган тадбирларнинг самарали натижаларини қамраб олади.

**Миллий характер** (*характер* – шахснинг фаолияти ва муомаласида намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари) – миллий жамоатга хос бўлган теварак атрофни (дунёни) идрок этиш, унга жавоб бериш шакллари. Миллий характер, авваламбор, ҳис-туйғуларнинг кўринишлари (онголди ҳолатидаги ҳис-туйғу, хиссиёт, кайфият), воқеаларга жавоб бериш тезлиги ва жадаллиги йиғиндисидир. Миллий характер – бу кишилар томонидан уларни қуршаб турган дунёни қабул қилишда муайян миллат (ёки миллий бирлик) учун хос бўлган барқарор хусусиятлар йиғиндиси ва унга бўлган муносабат шаклларидир.

**Ўз вақтидалилик тамойили.** Мазкур тамойилда қарор қабул қилувчи биринчи навбатда вақт омилига алоҳида эътиборини қаратади. Чунки қарорнинг ўз вақтида чиқарилиши унинг ижросини ҳам оптималь ҳолга келтиради. Қарор уч хил кўринишда қабул қилиниши мумкин: шошилиб қарор қабул қилиш, ўз вақтида қарор қабул қилиш ва вақтидан ўтказиб қарор қабул қилиш. Ўз вақтида чиқарилмаган қарор натижаси кутилгандай бўлмайди. Шунингдек, чиқарилган қарорнинг ижроси ҳам ўз вақтида бажарилмаса, вақт ўтгандан сўнг ўз қадрини йўқотиши мумкин.

**Қарор** - ҳаракат учун кўлланма, фикрий фаолиятнинг тури ва инсон иродасининг юзага чиқишидир. У қатор белгиларга эга:

- имкониятлардан бирини танлашнинг мавжудлиги;
- танлов онгли ҳолда мақсадга эришишга йўналган;
- танлов қарорни тугаш қисмидир.

**Қарорнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш** - бу ташкилот, корхона, цех, участка, бригаданинг бошқариш аппарати томонидан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида раҳбарлик қилиш бўйича аниқ масалаларни ҳал этиш демакдир.

**Қарорларни бажариш** - бу оқибат натижасида юқори бўғинда қабул қилинган режаларни, шунингдек шу режалар асосида қўйи бўғинлар (цех, участка, бригада, смена, ҳар бир ходим) учун тузилган режа ёки топширикларни бажариш демакдир. Қарор энг аввало буйруқ ёки фармойиш тарзида расмийлаштирилади, сўнгра у маъмурий хужжат тусини олади. Унда аниқ ижрочилар, бажариш муддатлари, назорат қилиш усуллари ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

13. Антонов А.В. Системный анализ. – М.2002.
14. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений // Учебное пособие. - СПб.: СПб ГТУ, 2001. - 206 с.
15. Бегимкулов У.Ш. Единое информационное пространство высших педагогических образовательных учреждений Республики Узбекистан // Ж. Преподаватель XXI век. – Москва, 2007. – № 2. – С. 52-55.
16. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим муассасасининг ахборот мухитини бошқариш тизими // Ж. Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007. – № 2. – Б. 3-8.
17. Вертакова Ю.В. Управленические решения, разработка и выбор. М.КНОРУС.2005.
18. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003. - 510 с.
19. Вопросы анализа и процедуры принятия решений: Сб. статей / Пер. с англ, под ред. И.Ф. Шахнова. - М.: МИР, 1976. - 228 с.
20. Игнатьева А. В., Максимцов М. М. Исследование систем управления: Учеб. пособ. для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
21. Илмий тадқиқот методологияси. – Т., 2014.
22. Кини Р., Райфа Х. Принятие решений при многих критериях. Предпочтения и замещения. - М.: Радио и связь, 1976. -650 с.
23. Клиланд Д., Кинг В. Системный анализ и целевое управление. – М., 1974.
24. Кокарева Т. А. Системный анализ процедур принятия управленческих решений. – М.: Лес. пром-сть, 1991.
25. Мамбетова И. Модули ўқитиш - таълим сифатини таъминлаш технологияси сифатида // Ilm ha'm ja'miet 2015, 4-сон.
26. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. – М., 1994.
27. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Квартал», 2002.
28. О'Коннор Дж., Макдермотт И. Искусство системного мышления: необходимые знания о системах и творческом подходе к решению проблем. – М., 2006.
29. Ожиганов Э.Н. Стратегический анализ политики: Теоретические основания и методы. – М.2006.
30. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. – 91 б.
31. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари (монография). - Тошкент: Akademiya, 2010. - 256 б.
32. Самаров Р., Садриддинов С. Миллий тараққиёт такомиллашувининг илмий асослари (Сиёсий ташхис мисолида) // Ж. Муҳофаза +, 11 – сон, 2011 (85). 6-7 – бетлар.
33. Самаров Р. (ҳаммуаллифликда). Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) / Монография. - Тошкент 2010. - 176 б.

34. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 23-30 – бетлар.
35. Самаров Р., Муротова Д. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказишида тизимли ёндашувдан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари // Илм сарчашмалари Урганч давлат университети илмий-услубий журнали № 7, 2013.
36. Системный анализ и приятий решений // Словарь спровоачник. – М.Высшая школа, 2004.
37. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов, С.В.
38. Системный анализ и принятие решений: Словарь - справочник. Учебное пособие для вузов / Под ред. В.Н. Волковой и В.Н. Козлова. - М.: Высшая школа, 2004. -616 с.
39. Системный подход: анализ и прогнозирование международных отношений (опыт прикладных исследований) // Под. ред. И.Г.Тюлина. – М., 1991.
40. Фозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014, 2 – сон.
41. Эсанбобоев Ф. Информационно-коммуникационные технологии как фактор интенсификации учебно-воспитательных процессов // Методика и технологии в образовании. – Воронеж, 2010. –№ 6.
42. Эсанбобоев Ф., Куронов М., Бегимкулов У. Маънавий-ахлоқий тарбияда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш // Методик кўлланма. – Тошкент, 2011.
43. Mettler-Meibom B. Soziale Kosten in der Informationsgesellschaft. Frankfirt-am-Main, 1987.
44. Managing with Systems Thinking, Michael Ballé, McGraw-Hill, London, 1994.
45. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
46. Building the European Information Society for us all: Final policy report of the high-level expert group, April 1997 / European Commission. Directorate-General for employment, industrial relations and social affairs. Unit V/B/4. - Brussels, manuscript completed in April 1997
47. Cyberspace and the American Dream: A Magna Carta for the Knowledge Age: Release 1.2 // August 22,1994.
48. Fuchs I.H. The promise and challenge of new technologies in higher education// Proceedings of the American Philosophical society Philadelphia. – 1998. – Vol.142. – № 2 – P. 197-206.

### Интернет ресурслар

10. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
11. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

12. www.infocom.uz
13. http://www.bank.uz/uz/publisVdoc/
14. www.press-uz.info
15. www.ziyonet.uz
16. www.edu.uz
17. www.pedagog.uz
18. www.tdpu.uz